

Абдул-Қадим Заллум

# ДЕМОКРАТИЯ КУФР НИЗОМИ

УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲАМ,  
ТАТБИҚ ЭТИШ ҲАМ, УНГА  
ЧАҚИРИШ ҲАМ ҲАРОМДИР

ҲИЗБУТ ТАҲРИР  
НАШРЛАРИДАН

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكُمْ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴿٦﴾ إِنَّمَا تَرَى إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ آمَنُوا بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ وَمَا أَنْزَلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَكَّمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أَمْرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضْلِلُهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿٧﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا إِلَى مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَإِلَى الرَّسُولِ رَأَيْتَ الْمُنَافِقِينَ يَصْدُرُونَ عَنْكَ

صُدُودًا ﴿٨﴾

- „Эй мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, - агар ҳақиқатан Оллоҳга ва охират кунига ишонсангиз - у нарсани Оллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу энг яхши ва энг чиройли ечимдир. (Эй Мұҳаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган, деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди. Қачон уларга: „Оллоҳ нозил қилган Китобга ва пайғамбар ўғитларига келинглар”, дейилса, бу мунофиқларнинг сиздан қаттиқ юз ўғиргандарини кўрасиз”.

[4:59-61]

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

• Кофир гарб мусулмонларнинг юртларига олиб кирган демократия Исломга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган куфр низомидир. Бу низом ўзининг умумий тушунчалари, майда тафсилотлари, ҳосил бўлиш манбаи, келиб чиқиш ақидаси, қурилган асоси, олиб келган фикр ва қонунларида Ислом аҳкомларига тамоман зиддир.

Шунинг учун, уни қабул қилиш ҳам, (ҳаётга) татбиқ этиш ҳам, унга даъват қилиш ҳам мусулмонларга қатъий ҳаромдир.

• Демократия - ҳокимларнинг зулми ва уларнинг дин номидан ҳукмронлик қилишидан қутулиш учун инсонлар тузган ҳокимият низомидир. Шундай экан, бу низомнинг манбаи инсонлар бўлиб, унинг самовий ваҳйига ёки динга алоқаси йўқдир.

Демократиянинг пайдо бўлиш сабаби: Европада ҳокимлар: «Ҳоким - Оллоҳнинг ердаги вакили, у инсонларга Оллоҳнинг салтанати билан ҳокимлик қиласди. Оллоҳ унга қонун чиқариш ва уни ижро қилиш ҳуқуқини, яъни инсонлар устидан ўзи чиқараётган қонунлар билан ҳукм юритиш ҳуқуқини берган, чунки у ўз ҳокимиyatини инсонлардан эмас, Оллоҳдан олади», - деб даъво қиласар эдилар. Улар шу даъвога асосланиб инсонларга зулм қилишар ва хожа ўз қулига хўжайинлик қилганидек хўжайинлик қиласар эдилар.

Оқибатда, улар билан халқ ўртасида кураш вужудга келди. Бир қанча файласуф ва мутафаккирлар оёққа туриб, ҳукм (бошқарув) мавзусини чуқур ўргандилар ва инсонларни бошқариш учун янги низом ўйлаб чиқдилар. Бу низом демократия низоми эди. Бу низомга кўра, халқ ҳокимият манбаидир. Ҳоким ўз ҳокимиyatини халқдан олади. Сиёdat-хўжайинлик ҳам халқникидир. Халқ ўз иродасига ўзи эга, у билан ўзи шуғулланади ва уни ўз хоҳишига кўра бошқаради. Бирор киши унга ҳукмронлик қилолмайди, унинг ўзи хўжайин. Қонунларни халқнинг ўзи чиқаради. Халқ шу қонунлар билан бошқаради ва шуларга мувофиқ ҳаёт кечиради. Ҳокимларни ҳам халқ сайлайди, токи улар халқни халқнинг ноиби сифатида, халқ чиқариб берган қонунлар билан бошқарсин.

Шулардан хулоса қилиш мумкинки, демократия низомининг манбаи фақат инсонлар бўлиб, унинг ваҳйига ёки динга алоқаси йўқдир.

• Демократия гарб сўзи ва атамаси бўлиб, «халқ ўзи чиқарган қонун билан ўзини бошқариши», - демакдир. Яъни халқ мутлақ хўжайин - Сиёdat (хўжайинлик) соҳиби ҳам унинг ўзи, ҳокимият тизгини ҳам унинг қўлидадир. У ўз иродаси билан ўзи шуғулланиб, уни ўзи бошқаради. Халқ ўз ҳокимиyatидан ўзга ҳокимият олдида жавобгар эмас. Сиёdat соҳиби деган эътибор билан, ўзи сайлаган депутатлар воситасида низом ва қонунларни чиқаради ва булаrn ўзи тайинлаган ҳоким ва қозилар воситасида ижро қиласди. Ҳоким ва қозилар - халқ ҳокимият манбаи, деган эътибор билан - ўз ҳокимиyatларини ундан оладилар. Ҳар бир шахс давлат қуриш, ҳокимларни сайлаш, низом ва қонунлар чиқаришда бир хил ҳуқуққа эгадир.

Демократия яъни халқ ўзини-ўзи бошқариши, бу бутун халқ бир жойга йиғилиб, ўзини бошқарадиган низом ва қонунларни ишлаб чиқиши ва ўз ишларини тасарруф қилишини, шунингдек суд фаолиятига доир ишлар билан шугулланишини англатади.

Одатда бутун халқ ташрийй (қонун чиқарувчи) ҳайъат бўлиши учун бир жойга йиғилиши мумкин эмас. Шу сабабли, халқ қонун чиқарувчи ҳайъатга ўзининг бир қанча вакилларини сайдайди. Булар депутатлар палатаси (кенгаши)ни ташкил қиласди. Демократия низомида, депутатлар палатаси (кенгаши) умумхалқ иродасини гавдалантиради ва у умумхалқ иродасининг сиёсий тимсолидир. Депутатлар палатаси (кенгаши) ҳукуматни тайинлади ва халқ иродасини ижро этишга вакил ва ҳоким этиб, президентни сайдайди. Президент давлатни халқ чиқарган қонунлар билан бошқариш учун ҳокимиятни халқдан олади. Демак, халқ хўжайн. Қонунларни ҳам у чиқаради. Бу қонунларни ижро қиласдан ҳокимни ҳам унинг ўзи сайдайди.

Халқ хўжайн бўлиши, хўжайнлиги билан шугулланиши ва ўз иродасини ўзи тўла бошқариши яъни ҳаётининг низом ва қонунларини чиқариши, ҳокимини сайдашни ҳеч қандай тазиик ёки зўравонликсиз амалга ошириши учун умумий эркинликлар асос бўлади. Демократия ҳар бир шахс учун ушбу эркинликлар тўла таъминланишини шарт қиласди. Токи халқ тўла эркинлик билан ва ҳеч қандай тазиик ёки зўравонликсиз ўз сиёдати - хўжайнлик ҳукуқини рўёбга чиқариш ва ўз иродасини ўзи тўла бошқариш имконига эга бўлсин.

Бу умумий эркинликлар қўйидаги тўрт эркинликда ўз ифодасини топган:

- 1) Эътиқод эркинлиги.
- 2) Фикр эркинлиги.
- 3) Мулк эркинлиги.
- 4) Шахс эркинлиги.

- Демократия капитализм мабдаи асосланган «динни ҳаётдан ажратиш» ақидасидан келиб чиқди. Бу ақида беқарор ўрта ечим ақидаси бўлиб, у Европа ва Россиядаги қирол ва императорлар билан файласуф ва мутафаккирлар ўртасидаги кураш туфайли вужудга келди. Уша вақтларда қирол ва императорлар: «Биз Оллоҳнинг ердаги вакилларимиз», - деб даъво қиласди ва шу даъво билан халқларни эзиш, уларга зулм қилиш ва қонларини сўриш учун динни восита, диндорларни эса қирол қилиб олган эдилар. Оқибатда, улар билан ўз халқлари ўртасида шиддатли кураш рўй берди. Бу кураш асносида бир қанча файласуф ва мутафаккирлар оёққа турдилар. Уларнинг айримлари диннинг борлигини мутлақо инкор қиласди, айримлари эса, динни тан олсада, лекин уни ҳаётдан, бинобарин давлат ва ҳокимиятдан ажратишга чақиради.

Бу кураш «ўрта ечим», яъни «динни ҳаётдан ажратиш» фикрати билан якунланди. Табиийки, бундан динни давлатдан ажратиш келиб чиқди. Мана шу фикрат, капитализм мабдаи асосланган ақида ҳамда унинг барча фикрлари учун асос вазифасини ўтайдиган фикрий пойdevor бўлиб қолди. Капитализм шу фикрат асосида ўзининг фикрий ўйналиши ва ҳаёт ҳақидаги нуқтai назарини белгилаб, барча ҳаётий муаммоларини унинг асосида

муолажа қиласы. Бундан ташқары бу фикраттар ғарб күтариб юрган ва оламни унга даєват этаётган мафкурадир.

Бу ақида дин ва черковни ҳаётдан, давлатдан, қола берса, низом ва қонунлар чиқариш, ҳокимлар тиклаш ва уларни ҳокимият билан қўллаб-қувватлаб туришдан четлаштириди. Бунинг натижасида халқ ўз тузумини ўзи белгилари, низом ва қонунларини ўзи ишлаб чиқиши ва халқни шу низом ва қонунлар билан бошқарадиган ва ўз ҳокимиятини умумхалқ иродасидан оладиган ҳокимлар сайлаши зарур бўлиб қолди.

Мана шундан демократия низоми келиб чиқди ва «Динни ҳаётдан ажратиш» фикрати унинг келиб чиқиши ақидаси ва демократияга оид барча фикрлар учун асос бўлган фикрий пойдевори бўлиб қолди.

- Демократия икки фикрат асосига қурилган:

- 1) Сиёdat (хўжайнинлик) - халқники.
- 2) Халқ - ҳокимият манбай.

Бу икки фикратни Европа файласуф ва мутафаккирлари ўша вақтда Европада ҳукмрон бўлган «илоҳий ҳуқуқ» назариясини йўқ қилиш учун қирол ва императорлар билан олиб борган курашлари асносида күтариб чиқдилар. Қирол ва императорлар шу «илоҳий ҳуқуқ» назариясига асосланиб, қўйидагича эътибор қиласидилар: «Бизнинг халқ устидан илоҳий ҳуқуқимиз бор. Фақат бизгина қонун чиқариш, ҳокимият ва қозилик ишларига эгалик қиласиз. Демак, биз давлатмиз. Халқ бизнинг раият-фуқороларимиздир. Унинг қонун чиқаришда ҳам, ҳокимиятда ҳам, қозилиқда ҳам, яъни бирор нарсада ҳуқуқи йўқ. У ўз фикри ва иродасига эга бўлмаган қул ўрнидадир. У фақат итоат этиши ва ижро қилиши керак».

Бу икки фикрат ушбу «илоҳий ҳуқуқ» назариясини бутунлай йўқ қилиб, қонунчилик ва ҳокимиятни халқ қўлига топшириш учун вужудга келди. Бунинг сабаби: халқ ўзи хўжайнин, у қирол ва подшоҳларга қул эмас. Бирор киши унга хўжайнинлик қилишга ҳаққи йўқ. Демак, у ўз иродасига ўзи эга бўлиши, иродасини ўзи бошқариши керак. Акс ҳолда у қул бўлиб қолади. Чунки қуллик ўзганинг хоҳиш-иродаси билан юриш демакдир. Модомики, у ўз иродасини ўзи бошқармас экан, қул бўлиб қола беради. Халқни қулликдан озод қилиш учун иродасини бошқариш ҳуқуқи унинг ўз қўлига берилиши лозим. Шунда у хоҳлаган қонунини чиқариш ва хоҳламаганини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мутлақ сиёdat-хўжайнинлик соҳиби ва ўзи чиқараётган қонунларни ижро этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Хоҳлаган қонунларини татбиқ қилиш учун хоҳлаган ҳоким ва қозини танлайди. Демак, у ҳокимият манбай, ҳокимлар ҳукмронлик қилиш ҳуқуқларини ундан оладилар.

Қирол ва императорларга қарши күтарилиган қўзғолонлар ғалаба қозониш ва «илоҳий ҳуқуқ» назарияси афдарилиши билан мазкур икки фикрат: сиёdat - халқники, халқ - ҳокимият манбай фикратлари татбиқ ва ижро ўрнига қўйилди. Бу икки фикрат демократия низомининг асосий пойдевори бўлиб қолди. Халқ сиёdat соҳиби, деган эътибор билан қонун чиқарувчи ва ҳокимият манбай, деган эътибор билан ижро қилувчига айланди.

- Демократия - бу кўпчиликнинг ҳукм юритишидир. Зоро, қонун чиқарувчи ҳайъат аъзолари халқ томонидан сайловчиларнинг кўпчилик

овози билан сайланади. Парламентларда низом ва қонунлар ишлаб чиқариш, ҳукуматларга ишонч ёки ишончсизлик билдириш кўпчилик билан ҳал қилинади. Парламентларда, вазирлар кенгашида ва жамики кенгаш, ҳайъат ва муассаса органларида чиқарилаётган қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳокимларнинг халқ томонидан бевосита (референдум йўли билан) ёки депутатлар воситасида сайланиши ҳам сайловчиларнинг кўпчилик овози билан амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам, «кўпчилик» демократия низомида кўзга кўринган белгидир. Кўпчиликнинг раъи эса, демократик низом нуқтаи назарига кўра, халқнинг раъйини ифодаловчи ҳақиқий меъёрдир.

• Булар - демократия ва унинг маъноси, манбай, юзага келиш ҳолати, келиб чиқиш ақидаси, қурилган асослари ва у халққа демократияни амалда татбиқ этиш имконини бериш мақсадида тўла таъминланишини шарт қилган ишларнинг қисқача баёнидир.

Бу қисқача баёндан қўйидагилар маълум бўлади:

1- Демократия Оллоҳ ҳузуридан келган эмас, балки у инсон ақлининг маҳсулидир. У самовий ваҳига асосланмайди ва Оллоҳ ўз пайғамбарларига нозил қилган динлардан бирортасига боғланмайди.

2- У «динни ҳаётдан ажратиш» ҳамда «динни давлатдан ажратиш» ақидасидан келиб чиққан.

3- У икки фикрат асосига қурилган:

1) Сиёdat (хўжайнлик) - халқники.

2) Халқ - ҳокимият манбай.

4- У кўпчиликнинг ҳукм юритишидир. Ҳокимлар ва парламент аъзоларини сайлаш сайловчиларнинг кўпчилик овози билан амалга оширилади. Жамики қарорлар кўпчиликнинг раъи билан қабул қилинади.

5- У қўйидаги умумий эркинликларни кўтариб чиқади:

1) Эътиқод эркинлиги.

2) Фикр эркинлиги.

3) Мулк эркинлиги.

4) Шахс эркинлиги.

Демократия бу эркинликларни ҳар бир шахс учун тўла таъминланишини шарт қилади. Токи, у ўз сиёдати билан шуғулланиш ва уни ўзи бошқариш имконига эга бўлсин. Ҳамда ҳокимлар ва парламент аъзоларини сайлашда иштирок этиш ҳуқуқини ҳеч қандай тазиيқ ёки зўравонликсиз, тўла эркинлик билан адо этсин.

• Демократиянинг Исломдан эмаслиги, куфр низомларидан бири экани ва Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги 1-бандни мuloҳаза қилиш билан маълум бўлади.

Биз демократиянинг Исломга зидлиги ва уни қабул қилиш ҳақидаги шариатнинг ҳукмини баён қилишдан олдин, демократия энг кўхна демократик давлатларда ҳам амалда татбиқ этилмагани ва унинг бутунлай алдаш ва адаштириш устига қурилганини айтиб ўтишни ва демократиянинг бузуқлиги, чиркинлиги, бутун оламга олиб келган мусибат ва хорликлари ва у татбиқ этилаётган жамиятлар қай даражада разолатга юз тутганини баён қилиб бермоқчимиз.

• Демократия, асл мәйноси олиб қаралғанда, татбиқ этишга ярамайдыган, ҳеч қачон вужудға келмаган, бундан кейин ҳам ҳаргиз вужудға келмайдыган хаёлий фикретдир. Чунки бутун халқ умумий ишларни муҳокама қилиш учун бир жойға доимий равишда йиғилиб туриши амалда мүмкін эмас. Шунингдек, ҳокимият ва идора ишларига бутун халқнинг әгалік қилиши ҳам имконсизdir. Шу сабабли, демократияга турли ійллар қидириб, уни турлича таъвил қилишди (изохлашди). Унга президент, ҳукумат ва парламент аъзолари деган номларни киритишди.

Шундай бўлишига қарамай, демократиянинг мәйноси ҳар хил таъвиллардан кейин ҳам воқеликка мос келмаяпти. У амалда вужудға келмади. Президент, ҳукумат ва парламент аъзоларининг кўпчилик халқ овози билан сайланishi ва депутатлар палатаси умумхалқ иродасининг сиёсий тимсоли ва халқнинг кўпчилигини гавдалантирувчи эканлиги ҳақиқат ва воқеликдан жуда узоқдир. Зеро, парламент аъзолари халқнинг кўпчилиги эмас, озчилиги томонидан сайланади. Чунки, парламентдаги ҳар бир ўринга бир эмас, бир неча кишининг номздоди қўйилади. Натижада овоз берувчиларнинг овози ана шу номздларга бўлиниб кетади. Шундай қилиб, ким ўз доирасидаги овоз берувчиларнинг кўпроқ овозини олса ҳам, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган кишиларнинг кўпроқ овозига эга бўлмайди. Бунинг натижасида ноибларнинг ғолиб чиққанлари ҳам халқнинг кўпчилигини эмас, балки озчилигининг овозига эга бўладилар. Натижада улар халқнинг кўпчилигининг эмас, балки озчилигининг вакили ва гавдалантирувчиси бўлиб қоладилар.

Худди шунингдек, президент ҳам бевосита сайланадими ёки парламент аъзолари воситасида сайланадими - халқнинг кўпчилик овози билан эмас, балки озчилик овози билан сайланади.

Бундан ташқари, Америка ва Британия каби энг кўхна демократик мамлакатлардаги президент ва парламент аъзолари ишбилармонлар ва йирик мулкдор (монополист)лардан иборат капиталистларнинг иродасини гавдалантиради. Халқнинг иродасини ҳам, кўпчиликнинг иродасини ҳам гавдалантирайди. Чунки, йирик капиталистлар ҳокимият курсисига ва парламентларга ўзларининг манфаатларини рўёбга чиқарадиган кишиларнигина ўтиргизадилар. Улар президентлик ва парламент аъзолиги учун ўтказиладиган сайловларнинг харажатларини сарфлаб, бу билан президентлар ва парламент аъзолари устидан ҳукмронлик қилишни ўз қўлларига оладилар. Бу Америкадаги очиқ-ойдин ҳақиқатдир.

Британияда эса, консерваторлар (қадимий анъана ва урф-одатларни химоя қилувчилар) ҳокимият тепасидадир. Консерваторлар партияси ишбилармон ва мулкдорлардан иборат йирик капиталистларни ва аристократ (аслзода) лордлар табақасини гавдалантиради. Лейбористлар (ишчилар) партияси эса, фақат консерваторларнинг ҳокимиятдан четлатилишини тақозо қиласидиган сиёсий вазият юзага келсагина, ҳокимиятта келиши мүмкін. Шундан маълум бўладики, Америка ва Британиядаги ҳокимлар ва парламент аъзолари халқнинг иродаси ёки кўпчилик халқнинг иродасини эмас, балки калитализмни гавдалантиради.

Шу сабабли, «демократик мамлакатларда парламентлар кўпчилик фикрини гавдалантиради», - дейиш ёлғон ва адаштиришдир. Шунингдек, «Ҳокимлар халқнинг кўпчилиги томонидан сайланади. Улар ҳокимиятни халқдан олади», - деган сўз ҳам ёлғон ва адаштиришдир.

Ана шу парламентларда ишлаб чиқилаётган қонунлар ва мазкур давлатларда қабул қилинаётган қарорлар халқнинг ёки кўпчилик халқнинг манфаатларидан кўра, капиталистларнинг манфаатларини кўпроқ эътиборга олади.

Бундан ташқари, «ҳоким умумхалқ иродасининг сиёсий тимсоли бўлган парламент олдида масъулдир. У муҳим, асосий қарорларни фақат парламент аъзоларининг кўпчилиги розилик билдиргандан кейингина қабул қиласди», - деган гап ҳақиқат ва воқеликка тўғри келмайди. Масалан, Эден (1955-57 йилларда Британия бош вазири) Мисрга қарши Сувайш урушини парламентга ҳам, икки-уч вазирдан ташқари ҳокимиятда ўзига шерик бўлган бошқа вазирларга ҳам билдирамасдан эълон қилган. Сувайш уруши давом этиб турган кунларда конгресс (парламент мақомидаги орган) Далесдан катта тўғонга доир ва уни маблағ билан таъминлаб туришнинг сабабларига доир ҳужжатларни беришни талаб қилган. У эса, ҳужжатларни конгрессга беришдан қатъий бош тортган. Яна бир мисол: Де Голл (1959-69 йилларда Франция жумхурияти раиси) қарорларни вазирлари билмаган ҳолда қабул қиласди. Ҳатто, Шоҳ Ҳусайн (Иордания қироли) ҳам муҳим ва зарур қарорларни вазирлар ёки парламент аъзолари билмаган ҳолда қабул қиласди.

Шунинг учун, «Демократик юртларда парламентлар кўпчиликтининг раъйини гавдалантиради, ҳокимлар кўпчилик раъйи билан сайланади, улар кўпчилик ирода қилган ва чиқарган қонунлар билан ҳокимиятни бошқаради», - дейиш ҳақиқат ва воқеликка зид ва у ёлғон ва адаштиришдир.

Бу кўхна демократик юртлардаги ҳолатдир. Аммо, Ислом оламидаги парламентларнинг ҳолати эса, бундан ҳам пастроқ ва номигагина парламентдир. Чунки, Ислом оламидаги бирор парламент ҳокимнинг шахсига қарши чиқишига, унинг ўзини ёки ҳокимият низомини очиқ баҳсга чорлаб, рақобатлашишига журъат қилолмайди. Мисол учун, Иордания парламенти - у демократияни қайта тиклаш ва эркинликларни тўла таъминлаш номи билан сайланган - Шоҳ Ҳусайнни муҳосаба қилишига, ҳокимиятининг бузуқлигига қарши чиқишига журъат қилолмади. Ҳолбуки, парламент аъзоларининг барчаси ҳокимиятдаги бузуқлик, иқтисодий танazzул, шоҳ оиласи бошқарувининг бузуқлиги ва давлат молларини ўғирлаши сабабли рўй берадиганини билишар эди. Шунга қарамай, парламентнинг бирор аъзоси бу ишларга қаршилик кўрсатмади. Балки улар фақат Зайд Ар-Рафоий ва бошқа баъзи бир вазирларга қарши чиқдилар. Ваҳоланки, улар Зайд Ар-Рафоий ҳам, бошқа вазирлар ҳам фақат бир кичик мансабдор эканини, шоҳнинг изни-иродасисиз бирор ишни қила олмасликларини билар эдилар.

Бу масаланинг бир томони, иккинчи томондан эса, кўпинча қонунларни ҳукумат ишлаб чиқади. Кейин уни парламентга тақдим қиласди. Бу қонунларни тегишли, махсус комитетлар ўрганиб чиқиб, у ҳақдаги ўз фикрини беради. Сўнг парламент аъзолари уни тасдиқлашади, ҳолбуки,

уларнинг кўпчилиги бу қонунларнинг воқелигидан мутлақо хабардор бўймайди. Чунки, қонунчилик уларнинг ихтисоси эмас.

Шунинг учун, «демократик юртларда парламентлар чиқараётган қонунлар умумхалқ иродасини ифодалайди. У халқ сиёдатини гавдалантиради», - деган сўз ҳақиқат ва воқеликка зиддир.

• Демократия низомида ҳокимият ва ҳукумат ишларига тааллуқли очиқ-ойдин нуқсонлар бор. Шулардан бири шуки, агар демократик юртларда парламентда мутлақ устунликка эришиб, ҳукуматни ҳам ўзи тузা олиш имкониятига эга бўлган йирик партиялар бўлмаса, бундай юртларда ҳокимият беқарор бўлади. Ҳукуматлар эса, доимий суратда кетма-кет рўй берадиган сиёсий тангликлар босими остига тушиб қолади. Чунки бу юртларда ҳукумат парламентдаги кўпчилик ишончни қозониши қийин бўлиб, бу уни истеъро беришга мажбур қиласди. Баъзида президент янги ҳукумат тузгунича ойлар ўтиб кетади. Натижада бу юртдаги ҳокимият фалаж, деярли фаолиятсиз бўлиб қолади. Баъзан эса, президент мезонларни ўзгартириб янги ҳукумат тузиш мақсадида, парламентни тарқатиб юбориш ва янги сайловлар ўтказишга мажбур бўлади ва ҳоказо... Шундай қилиб бу юртда ҳокимият беқарор, сиёсати эса тебранувчан ва бехуда бўлиб қолади. Италия, Греция ва шулар каби баъзи демократик юртлар бунга мисолдир. Бу юртларда бир қанча партиялар мавжуд бўлиб, уларнинг ичida бирорта ҳам ҳалқнинг мутлақ кўпчилигини ўз тарафига оғдира олган йирик партия йўқ. Шунинг учун, партиялар ўртасидаги тортишув тўхтовсиз давом этаверади. Баъзида кичик партиялар ҳам, унга ҳукумат тузишда шерик бўлишни таклиф қилаётган бошқа партиялар устидан ҳукмронлик қиласди. Узининг хос манфаатларини кўзлаб, унга қийин шартлар қўяди. Бу билан фақат озчиликнигина гавдалантирувчи ушбу кичик партиялар ҳам бошқа партиялар устидан ҳукмронлик қиласди. Шунингдек бу кичик партиялар ушбу юртларнинг сиёсати ва ҳукумат чиқарган қарорлари устидан ҳам ҳукмронлик қиласди.

• Инсоният бошига тушган энг ашаддий мусибатлардан бири, демократия олиб келган умумий эркинликлар фикратидир. Шу фикрат туфайли башарият қанчадан-қанча оғату мусибатларга гирифтор бўлди. Демократик юртлардаги жамиятлар эса ҳайвонлар подаси даражасидан ҳам тубанроқ даражага тушиб қолди.

Мулк эркинлиги фикрати ва манфаат барча ишларнинг миёси, бош ўлчами бўлганлиги оқибатида, йирик капитализм вужудга келди. У ўзининг саноат корхоналарини юргизиш учун ҳом ашёларга ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш учун истеъмол бозорларига муҳтоҷ эди. Шунинг учун капиталистик давлатлар, ҳар қандай руҳий, ахлоқий ва инсоний қийматларга тамоман зид равишда ривожланишдан орқада қолган оламни мустамлака қилиш, унинг моддий бойликларини эгаллаш, табиий бойликларини ўзлаштириш ва ҳалқларининг қонини сўриш борасида ўзаро рақобатлаша бошладилар.

Дарҳақиқат, ушбу капиталистик давлатлардаги очкўзлик ва таъмагирлик кучайиб, охир оқибат, уларни руҳий, ахлоқий ва инсоний қийматлардан бутунлай ажратиб қўйди. Улар ҳаром йўллар билан мол-дунё орттиришда

бир-биридан ўзишга ҳаракат қилишиб, ҳатто халқларнинг қони билан савдо қилишгача етиб бордилар. Ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш, улкан фойда келтирувчи ҳарбий саноатларини юргизиш учун давлатлар ва халқлар ўртасида фитна ва уруш оловини ёқдилар.

Америка, Британия ва Франция сингари мустамлакачи демократик давлатлар барча инсоний ва ахлоқий қийматларни оёқ ости қилиб, инсоннинг жамики ҳуқуқларини поймол этмоқдалар, инсон қонини бекордан-бекорга тўкилишига сабаб бўлмоқдалар. Айни вақтда, уларнинг демократик қийматлар, инсон ҳуқуқлари ҳақида оғиз тўлдириб гапиришлари, беорларча мақтанишлари нақадар нафратомуз ва кулгили бир ҳодисадир. Фаластин, Жанубий-Шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Африка ва Жанубий Африкада бўлаётган воқеалар уларнинг қай дарражада ёлғончи ва дажжол эканини, нақадар инсофсиз ва беорликларини яъни асл башараларини очиб берувчи ёрқин далилдир.

Аммо шахс эркинлиги фикратига келсак, у демократик юртлардаги жамиятларни тубан ҳайвоний жамиятларга айлантириди ва уларни ҳайвонлар ҳам тушмаган ўта жирканч бузуқлик даражасига тушириб қўйди. Куйидаги сўзида Оллоҳ нақадар ҳақ:

أَرَأَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ إِلَهً هُوَ أَهْوَى أَفَإِنْ تَكُونُ عَلَيْهِ وَكِيلًا  
يَسْمَعُونَ أَوْ يَعْقُلُونَ إِنْ هُمْ إِلَّا كَالْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ سَبِيلًا

– „Хабар беринг-чи, ким ҳавоий-нафсларини илоҳ қилиб олган бўлса, сиз унинг устидан вакил - қўриқчи бўлурмисиз?! Ёки сиз уларнинг кўпларини (ҳақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар, деб ўйлайсизми?! (Ундоқ эмас, зеро) улар ҳеч нарса эмаслар, магар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Йўқ, улар янада йўлдан озганроқ кимсалардир!“

[25:43,44]

Бу демократик жамиятларда жинсий муносабатлар шу демократик юртларнинг парламентлари чиқарган ва черковлари розилик билдирган қонуний ҳужжатлар билан худди сув ичишдек ҳалолга айланди. Бу қонунларга кўра агар эркак ва аёл ўн саккиз ёшга тўлса, улар бемалол бирга яшаш ва ўзаро алоқа қилишлари мумкин. Давлат ҳам, ота-оналар ҳам бу жинсий муносабатларни ман қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Аммо иш, фақат ушбу табиий муносабатларга қонуний рухсат бериш билан чекланмади. Балки файритабии жинсий муносабатларга ҳам қонуний ижозат берилди. Ҳатто, баъзи демократик юртлар файритабии муносабатда бўлувчилар ўртасида никоҳга, яъни эркак эркакка, аёл аёлга уйланишига ҳам рухсат берди.

Шунинг учун йўллар, кўчалар, боғлар ва автобусларда ёш йигит-қизлар бир-бирлари билан ўпишиб, қучишиб турганини, бир-бирига тега-жоғлиқ билан ҳазиллашаётганини кўплаб кўрасиз. Бу ҳолат ҳеч кимнинг дивлат эътиборини тортмайдиган ёки ажаблантирмайдиган оддий ва табиий манзаралардан бўлиб қолди. Чунки бу иш уларнинг назарида табиий ва оддий ишлардан саналади.

Бу каби табиий ишлардан яна бири ёзда аёлларнинг қуёш нуридан баҳра олишидир. Улар боғларда уят жойларидағи авратпұшни айтмаса, онадан туғилгандек, яланғоч, чалқанча тушиб ётадилар. Шунингдек, аёллар ёзда ярим-яланғоч ҳолатда жасадларининг озгина қисмини беркитиб юришлари ҳам оддий ишлардандир.

Дархәқиқат, файритабиий ва файриоддий жинсий муносабатлар бу тубан демократик жамиятларда түлиб тошди. Эркаклар орасыда баччавозлик, аёллар орасыда лесбиянкалик (аёллар билан жинсий алоқада бўладиган аёллар) ва ҳайвонлар билан жинсий муносабатда бўлиш авж олди. Шунингдек, ҳали ҳайвонлар оламида, молхоналарда ҳам кўрилмаган ишлар пайдо бўлди, яъни бир неча эркак ва аёллар ўзаро, бир вақтда, бараварига жинсий муносабатда бўладиган, уюшган расвогарчиликлар ҳам кўпайди.

Америка газеталаридан бирида қўйидаги статистик маълумот берилган: «Америкада 25 миллион йигит ўрталаридағи никоҳни қонуний деб эътироф қилиниши ва уларга ҳам табиий никоҳ ҳуқуқларидек ҳуқуқлар берилишини талаб қилгандар». Газеталарнинг яна бири ушбу хабарни тарқатди: «Америкада бир миллион шахс ўзининг оналари, қизлари ва опа-сингиллари билан жинсий муносабатда бўлади».

Бу ҳайвоний бузуқликлар натижасида жинсий касалликлар тарқала бошлади. Уларнинг энг ҳалокатлиси «Спид»дир. Шунингдек, никоҳсиз туғилган болалар кўпайиб кетди. Ҳатто, газеталардан бири: «Инглизларнинг 75 фоизи никоҳсиз туғилган» деб, хабар тарқатган.

Бу жамиятлarda оила тамоман бузилиб кетди. Ота-она, фарзанд, aka-ука ва опа-сингил ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилиди. Ҳатто ўнлаб, балким, юзлаб кекса ёшли кишилар ва аёлларни кўча ва боғларда итлар ҳамроҳлигида юрганини кўриш оддий ҳолга айланди. Бу итлар уларнинг ҳовли-жойлари, ошхона ва ётоқхоналарида ҳам улар билан бирга, уларнинг ёлғизлик чоғларидаги ҳамдарларидир. Чунки, уларнинг шу итлардан ўзга бирор ҳамсұхбати, биродари, ҳамдарди йўқ бўлиб, ёлғиз ҳаёт кечирадилар.

• Булар демократик қийматлар вужудга келтирган, фарб кўкларга кўтариб мадҳ этаётган умумий эркинликларнинг намуналари ва демократиянинг маданий қиёфасининг бир шаклидир. Фарб бу билан фаҳрланмоқда, шунга чақирмоқда ва бутун олам ушбу қабиҳ қиёфада фарбга шерик бўлиши учун уни оламга ёймоқда. Бу намуналар фақат бир нарсадан, яъни мазкур демократиянинг қай даражада бузуқ ва чиркинлиги, нақадар бадбўй, қўлсаналигидан дарак беради.

Фарбдаги демократик жамиятлар шахсий эркинликлар боис тизгини бўшаган ҳурлик оқибатида ҳайвонлар ҳам тушмаган ифлослик даражасига тушиб қолгани аниқ ва равшан бўлишига қарамасдан;

Фарб демократик мустамлакачилиги сабабли бутун олам бошига олиб келган балою оғатлар, мустамлака қилинган ва ривожланишдан орқада қолган халқларнинг мусибатлари: моддий бойликларининг ўғирланиши, табиий бойликларининг талон-тарож қилиниши, аҳолисининг қашшоқлаштирилиши, халқларининг хорланиши ва юртларининг мустамлакачилар саноати ва маҳсулотлари учун истеъмол бозорларига айлантирилиши очиқ-оидин кўриниб турганлигига қарамасдан;

Демократия асл маъносида олиб қаралганда, татбиқ этишга яроқсизлиги, таъвил қилингандан кейин ҳам, маъноси воқеликка мос келмаслиги ва воқеликда вужудга келмаганилгига қарамасдан;

Демократиянинг: «Парламент - умумхалқ иродасини гавдалантиради. У умумхалқ иродасининг сиёсий тимсоли. У кўпчилик фикрини гавдалантиради. Парламент депутатларнинг кўпчилик овози билан чиқараётган қонунлар кўпчилик халқнинг иродасини ифодалайди», - деган сўзлари ва: «Ҳокимлар халқнинг кўпчилиги томонидан сайланади. Улар ҳокимиятни халқдан олади», - деган сўзлари ёлғон ва адаштириш эканлигига қарамасдан;

Қачон бир юртда парламентда мутлақ устунликни эгаллашга қодир йирик партиялар бўлмаган вақтда демократия низомидаги ҳокимият ва ҳокимларга тааллуқли ишларда кўзга яққол кўринадиган нуқсонлар бўлишига қарамасдан;

Юқоридагилар, балки улардан ҳам кўпроқ нуқсонлари бўла туриб, кофир ғарб ўзининг бузуқ демократик фикрлари учун мусулмонлар ютида бозор оча олди.

• Кофир ғарб Ислом аҳкомларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган демократик қуфр фикрлари учун мусулмонлар ютида қандай қилиб бозор очишга имкон топди?

Бунинг сабаби қўйидагича: кофир ғарб давлатлари Ислом ва мусулмонларни қаттиқ ёмон кўради. Уларнинг адовати ўзларининг жигарбағини кемириб ташлаган. Оллоҳ таоло бу ҳолни шундай сифатлайди:

قَدْ بَدَتِ الْبَعْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ

– „Уларнинг сизларни ёмон кўрішлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидағи адоватлари эса янада каттароқдир”. [3:118]

Кофир ғарб давлатлари мусулмонлар қувватининг сири Ислом экани, Ислом ақидаси мусулмонлардаги буюк қувватнинг манбай эканини англаб етдилар. Шундан сўнг, Ислом оламига табширий-миссионерлик ва сақофий-маориф хужумини уюштириш учун улкан режа туздилар. Бу ҳужум асносида улар ўз сақофтлари, фикрлари (демократия ҳам шу фикрлардан), дунёқарashi ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарларини ёйдилар. Уларнинг мақсади, мусулмонлар шу нарсаларни ўзларининг фикр юритишлари ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарлари учун асос қилиб олишига эришишлик эди. Улар бу билан мусулмонларни Исломдан оғдиришни ва Исломга амал қилишдан, Ислом аҳкомларини татбиқ этишга риоя қилишдан узоқлаштиришни қасд қилдилар. Токи, уларга Ислом давлати - халифалик давлатини йўқ қилиш, қола берса, Ислом ва Ислом аҳкомлари ҳаёт, давлат ва жамиятда татбиқ этилишига барҳам бериш осон бўлсин. Улар шу йўл орқали мусулмонлар уларнинг қуфр фикрлари, низомлари ва қонунларини қабул қилиб, Ислом ўрнига шуларни татбиқ ва ижро этишларини мақсад қилдилар. Токи, мусулмонлар Исломдан тамоман узоқлашсан ва уларнинг устидан ҳукмронлик қилиш имкони туғилсан. Оллоҳ таоло улар ҳақида айтган қўйидаги сўзида нақадар ҳақ:

وَلَكُنْ تَرْضَى عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَى حَتَّى تَتَّبَعَ مِلَّتَهُمْ قُلْ إِنَّ هُدًى اللَّهُ هُوَ الْهَدَى  
وَلَكِنْ أَتَبْعَتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلِيٌّ وَلَا نَصِيرٌ

- „Яхудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагуннингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: „Оллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир”. Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Оллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди”.

[2:120]

Дарҳақиқат, бу миссионерлик ва сақофий ҳужум XIX-асрнинг иккинчи ярми, Усмонийлар давлатининг охирги кунларига келиб янада кучайди. Бу даврда мусулмонларнинг фикрий ва сиёсий қолоқлиги ўта зиёдалашган, Европада эса, фикр ва саноат инқилоби ҳамда илмий кашфиёт ва ихтиrolар ҳосил бўла бошлаган эди. Бу эса Европани ривожланиш ва тараққиёт сари тезкорлик билан одимлашига сабабчи бўлди. Натижада кучлар мувозанати бузилиб Европа давлатлари фойдаси томон юра бошлади. Усмонийлар давлати эса ривожланишдан буткул тўхтаб қолган ва кундан-кун заифлашиб бормоқда эди. Бу ҳол гарб сақофати, фикрлари, дунёқараши ва қонунларининг мусулмонлар юртларига кириши учун эшик очиб берди.

Европа давлатлари ўзларининг исломий юртларга қилган миссионерлик ва сақофий ҳужумларида Исломнинг обрўсими тўкиш, Исломнинг аҳкомларини хунук қилиб кўрсатиш, мусулмонлarda Ислом ҳақида (у ҳозирги замон талабларига жавоб беролмайди,- деган ва шу каби) шубҳалар ўйғотиши услубини қўлладилар. Уларнинг қолоқликлари ва тушкунликларининг асосий сабабчиси - исломдир, деб Исломдан нафратлантиридилар. Айни вақтда, гарб ва унинг дунёқарашини улуғлар, унинг фикрлари ва демократик низомининг шаънини юксакларга кўтаришар ва қонунларининг буюклигини таъриф-тавсиф қилишар эди.

Шунингдек, улар чалгитиш услубини ҳам қўллаб, мусулмонларга «бизнинг дунёқаришимиз исломнинг дунёқарашига зид эмас, чунки у ҳам исломдан олинган. Бизнинг низом ва қонунларимиз Ислом аҳкомларига зид эмас»,- деган, ёлғон фикрларни бериб уларни чалғита бошладилар.

Ўзларининг демократик низоми ва фикрларига ислом сифатини қўшиб, бу низом ва фикрлар исломга мутлақо зид эмас, балки у исломдандир. Чунки демократия «шўро»-маслаҳат, амри маъруф - яхшиликка буюриш ва наҳӣ мункар - ёмонликдан қайтариш ҳамда ҳокимларни муҳосаба қилишнинг айни ўзидир, деб тушунтириш олиб бордилар. Бу услублар мусулмонларга катта таъсир қилиб, улар орасида гарб фикрлари ва дунёқараши ҳукмрон бўлишига олиб борди.

Шунингдек, ушбу услублар таъсирида мусулмонлар Усмонийлар давлатининг охирги кунларида баъзи гарб қонунларини, халифалик давлати тутатилгандан кейин эса, гарб қонунларининг аксарият қисмини қабул қилиб олдилар.

Бу услублар зиёлилар табақасига, сиёсатчиларга, ҳатто исломий сақофат эгалари ва исломий даъватни ёювчиларнинг баъзиларига ҳамда мусулмонлар оммасига таъсир қилди.

Аммо зиёлилар табақасига келсак, уларнинг гарбда таълим олганлари ҳам, мусулмонларнинг юртларида таълим олганлари ҳам, таълимларининг асоси бўлган гарб сақофатидан таъсирандилар. Чунки биринчи жаҳон урушидан кейин мусулмонларнинг юртларида таълим программалари гарб фалсафаси ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назари асосида тузилган эди. Ҳатто, кўпчилик зиёлилар гарб сақофатига берилиб, унинг ошиғига айландилар. Улар ушбу сақофатни олиб келган гарбни улуғлаб, Ислом сақофати ва аҳкомларини, агар гарб сақофати ва қонунларига зид келса, инкор қиласидиган, қоралайдиган бўлиб қолдилар. Улар Исломни, кофир европалик қандай ёмон кўрса, шундай ёмон қўрадиган, Исломга, унинг сақофати, низоми ва аҳкомларига кофир европалик душман бўлганидек душман бўлиб қолишиди. Улар гарбга, унинг дунёқараши, фикрлари, низом ва қонунларига тарғиб қиласидиган ва Исломга, унинг дунёқараши, низом ва аҳкомларига қарши ташвиқот қиласидиган, Исломнинг хурматини тўқадиган гарбнинг жарчи карнайларига айланиб қолишиди.

Аммо сиёсатчиларга келсак, ҳақиқатда улар гарб ва унинг низомига қаттиқ ихлос қўйиб, унга боғланиб қолдилар. Уни ўзларининг мадад сўрайдиган ва сяянадиган қиблагоҳлари қилиб олдилар. Ўзлари эса, унинг низом ва қонунларини қўриқловчи посбон ва унинг манфаатларини муҳофаза қилувчи фитналарини ижро этувчи итоаткор малай ва хизматкорга айландилар. Қола берса улар, Оллоҳ ва унинг пайғамбарига душманларча муносабатда бўлиб, сиёсий Ислом ва унинг муҳлис даъватчиларига қарши ҳужум бошладилар. Халифаликни тиклаш ва Оллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни қайтаришнинг олдини тўсиш учун бор куч-тоқатларини сарфладилар ва сарфламоқдалар. Уларни Оллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а!

Энди исломий сақофат эгаларига келсак, улар Исломни мукаммал англамаган, шаръий аҳкомлар воқелигининг ҳақиқатини ва гарб дунёқараши, фикри ва низомларини воқелигининг ҳақиқатини тўла идрок қилмаган эдилар. Шунингдек улар гарб дунёқараши, фикрлари ва нуқтаи назари, Ислом ақидаси, ҳукмлари, дунёқараши ва нуқтаи назарига зид эканини аниқ тушуниб етмаган эдилар.

Буларга мусулмонларнинг зеҳнига кириб келган Ислом ва унинг аҳкомларини тушунишдаги уқувсизлик ва Ислом шариатини жамиятга татбиқ этишни хато тушуниш сабабчи бўлди. Шу сабабли Ислом, ўз нусусларига (шаръий матнлари: Қуръон ва Ҳадисга) мос келмайдиган нарсалар билан тағсир қилинадиган ва мавжуд воқеликни Ислом аҳкомларига мувофиқ ўзгартирилиши ўрнига, Ислом аҳкомларини шу воқеликка мослаштириш учун таъвил қилинадиган бўлиб қолди. Натижада мусулмонлар ўзлари ўйлаб топган «замон ўзгариши билан аҳкомларнинг ўзгариши инкор қилинмайди», - деган хато қоидани ҳужжат қилиб, шариатда умуман асоси бўлмаган ёки заиф асоси бўлган аҳкомларни қабул қилдилар. Ислом ҳар бир мазҳаб (оқим), ҳар бир фикр, ҳар бир мабдаъга - гарчи, у Ислом аҳкомлари ва нуқтаи назарига зид бўлса ҳам - мувофиқ келиши учун кўпчиликнинг тилида таъвил қилина бошлади. Улар: «Гарб дунёқараши ва фикрлари Ислом дунёқараши ва аҳкомларига зид эмас. Чунки, у Ислом

дунёқарашидан олинган»,,- дедилар. Яна улар: «Ҳокимиятта тааллуқли демократик низом, иқтисод соҳасидаги капиталистик низом ҳам Ислом аҳкомларига зид эмас»,- дедилар. Ҳолбуки, бу иккаласининг, воқелигини олиб қаралганда куфр низомидир. Улар яна: «Демократия ва умумий эркинликлар Исломдандир»,- дедилар. Ваҳоланки, булар Исломга тамоман зид ва қарама-қаршидир.

Шу сабабли, мусулмонларга бошқалардан ҳам олишлари мумкин бўлган нарсалар билан фақат Исломнинг ўзидангина олиб, бошқалардан олишлари мумкин бўлмаган нарсалар ноаниқ, чалкаш бўлиб қолди. Биринчи қисмга тиббиёт, фармацевтика, ҳандаса, кимиё, деҳқончилик ва саноат илмлари, йўл ҳаракати ва алоқа воситаларига доир қонун-қоидалар ва шулар каби мубоҳ нарсалар киради. Бу нарсалар, модомики, Исломга зид бўлмаса мусулмонлар уларни олишлари мумкин.

Иккинчи қисмга ақида ва шаръий аҳкомларга тааллуқли барча нарсалар киради. Бу нарсалар фақат Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) олиб келган Китоб ва Суннатдан ҳамда Китоб ва Суннат ўйллаган Саҳобаларнинг ижмоёси ва Қиёсдангина олиниши мумкин.

Ушбу нарсалар мусулмонларга ноаниқ ва чалкаш бўлганлиги сабабли, кофир гарб мусулмонларнинг ўртларига ўзининг дунёқараши ва нуқтаи назарини ҳамда демократия низоми ва иқтисод низомининг фикрларини, умумий эркинликлар тўғрисидаги фикрларини олиб киришга муваффақ бўлди.

• Биз демократиянинг Исломга зидлиги, уни олиш ҳақидаги шариат ҳукмини баён қилишдан олдин, мусулмонлар бошқа уммат ва халқлардаги нарсалардан нималарни олиши жоиз ва нималарни олиши ҳаромлиги мавзусини шариат нусуслари ва аҳкомларига мувофиқ тақдим этишни истар эдик.

1- Инсондан содир бўладиган барча ишлар ва шу ишларга алоқадор бўлган барча нарсалар ҳақидаги асл қоида: Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га эргашиш ва у зот келтирган дин аҳкомларига чекланишдир. Чунки, аҳком оятлари (аҳкомлар баён қилинган оятлар)нинг ҳаммаси ҳар бир ишда шариатга қайтиш ва шариат аҳкомларига чекланиш вожиблигига далолат қилади. Оллоҳ таоло айтади:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَاتَّهُوا

– „Пайғамбар сизларга нимани келтирган бўлса олинглар, нимадан қайтарган бўлса қайтинглар”. [59:7]

Яна айтади:

فَلَا وَرَبَّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

– „Йўқ Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчилкларда сизни ҳакам қилмагунларича зинхор мўмин бўлмайдилар”. [4:65]

Яна айтади:

وَمَا اخْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ

- „Сизлар ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми Оллоҳга қайтарилиур”. [42:10]

Яна айтади:

فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرْدُوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ

- „Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Оллоҳ ва пайғамбариға қайтарингиз”. [4:59]

Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисларда айтадилар: «Ким бизнинг буйруғимиз бўлмаган бирор-бир ишни қилса, у мардуддир». «Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у мардуддир».

Бу оят ва ҳадислар, барча ишлар ва нарсалардаги асл қоида шариатга эргашиш ва унга чекланиш вожиблигига далолат қилмоқда. Мусулмон бирор ишнинг ҳукмини билмай туриб, уни қилишга киришиши ёки тарк этиши жоиз эмас. Шу иш ҳақидаги Оллоҳнинг ҳукмини билгандан кейингина, агар у вожиб ёки мандуб бўлса, қилишга киришади, ҳаром ёки макруҳ бўлса тарк этади, агар мубоҳ бўлса, қилиш ёки тарк этишда ихтиёри бўлади.

Шунинг учун, инсоннинг ишларидаги асл қоида Оллоҳнинг ҳукмига чекланишdir. Инсоннинг ишларига алоқадор бўлган нарсалар ҳақидаги асл қоида эса, модомики ҳаромлигига далил келмаган бўлса, мубоҳdir. Ҳар бир нарса аслида мубоҳ бўлади. Агар унинг ҳаромлигига далолат қиладиган шаръий далил келсагина ҳаром бўлиб қолади. Бунинг баёни қўйидагича: шаръий нусуслар ҳамма нарсани мубоҳ қилган. Зеро, нарсалар ҳақидаги нусуслар ҳар бир нарсани ўз ичига олган ҳолда умумий келгандир. Оллоҳ таоло айтади:

أَلْمَ تَرَوْا أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُمْ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ

- „Оллоҳ сизларга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсаларни бўйисундириб қўйганини кўрмадингизларми?!“ [31:20]

Оллоҳ таоло инсонга еру осмонлардаги барча нарсаларни бўйисундириб қўйиши, ушбу нарсаларни инсонга мубоҳ қилиб берганидир. Оллоҳ таоло яна айтади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا

- „У шундай зотки, сиз учун Ердаги барча нарсани яратди“. [2:29]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ كُلُوا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا

- „Эй инсонлар, Ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар“. [2:168]

هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ ذُلُولاً فَامْشُوا فِي مَنَابِكُهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ

- „У (Оллоҳ) сизлар учун Ерни хокисор-бўйисунувчи қилиб қўйган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида юраверинглар ва (Оллоҳнинг берган) ризқ-рўзидан енглар“. [67:15]

Ва хоказо... Нарсаларнинг мубоҳлиги ҳақида келган барча оятлар умумий келган бўлиб, уларнинг умумий келиши барча нарсаларнинг мубоҳлигига далолат қиласди. Демак, нарсаларнинг мубоҳлиги Шореъ (қонун чиқарувчи зот)нинг умумий хитоби билан келгандир. Агар бирон нарса ҳаром қилинса, бу нарсанинг мубоҳлиқдан истисно қилинганига далолат қиласдиган, умумийликни хословчи нусус зарур. Оллоҳ таолонинг ушбу сўзи каби:

**حُرْمَتٌ عَلَيْكُمُ الْمِيَةُ وَالدَّمُ وَلَحْمُ الْخَتْرِيرِ وَمَا أَهْلَ لَعْبَرِ اللَّهِ بِهِ وَالْمُنْخَنَقَةُ وَالْمَوْقُوذَةُ وَالْمُتَرَدِّيَةُ وَالظَّبِيعَةُ وَمَا أَكَلَ السَّبُعُ إِلَّا مَا ذَكَيْتُمْ وَمَا ذُبِحَ عَلَى النُّصُبِ**

– „Сизларга ўлакса, қон, тўнғиз гўшти, Оллоҳдан бошқа бироннинг йўлида сўйилган нарса, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан қулаб ўлган, (бошқа бирон ҳайвон билан) сузишиб ўлган ва йиртқич ҳайвон тишлаб ўлдирган жониворлар ҳаром қилинди. Magar (бу жониворларни жони чиқмасдан туриб) сўйинб юборишга улгуриб қолган бўлсангиз, ҳалолдир. Яна бутларга атаб сўйилган ҳайвонлар (гўштини истеъмол қилиш) ҳаром қилинди“.

[5:3]

Демак, «нарсалар ҳақидаги асл-қоида уларнинг мубоҳлигидир».

2- Ислом шариати бўлиб ўтган ҳамма воқеалар, ҳозир юзага чиқаётган барча муаммолар ва келажакда рўй бериши мумкин бўлган жамики ҳодисаларнинг аҳкомларини ҳаммасини ўз ичига олган. Ўтган замонда бўлган, ҳозир бўлаётган ёки келажакда бўладиган бирон нарса йўқки, магар, шариатда унинг ўз ҳукми бор. Дарҳақиат, Ислом шариати инсоннинг барча ишларини умумий суратда, тўла қамраб, олгандир. Оллоҳ таоло айтади:

**وَنَزَّلَنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبَيَّنَاهُ لِكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ**

– „Ba сизга - ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китобни - Қуръонни нозил қилдик“.

[16:89]

Яна айтади:

**مَا فَرَطْنَا فِي الْكِتَابِ مِنْ شَيْءٍ**

– „Китобда бирон нарсани эътиборсиз қолдирмадик“.

[6:38]

Яна айтади:

**الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِيْنَكُمْ وَأَتَمَّتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْاسْلَامَ دِيْنًا**

– „Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим“.

[5:3]

Ислом шариати бандаларнинг ишларидан бирортасини, у қандай бўлмасин, эътиборсиз қолдирмади. Балки у Қуръон ва Ҳадисда бу иш учун бирор нусусни (унинг ҳукмини билдирувчи) далил қилиб келтирди. Ёки Қуръон ва Ҳадисда бир ишора қўйди. Бу ишора билан шариатнинг мақсадидан ва мазкур ишнинг шаръий ҳукмини белгилашга ундовчи омилдан огоҳ этади. Токи, ушбу шаръий ҳукм, ўзида ушбу ишорани мужассам этган ҳар қандай

ишига мос келсин. Инсоннинг бирон бир ишига далил ёки ҳукмига далолат қилувчи ишора бўлмаслиги шаръян мумкин эмас. Чунки, Оллоҳ таолонинг:

تَبْيَانًا لِكُلِّ شَيْءٍ

— „Ҳамма нарсани баён қилиб берувчи“, [16:89]

деган умумий сўзи ва Оллоҳ Субҳонаҳу ва таоло бу динни комил қилди, деган очиқ-ойдин нусус мавжуддир.

3- Юқоридагиларга биноан, мусулмонлар бошқа уммат ва халқларда мавжуд бўлган нарсалардан нималарни олиши мумкин ва нималарни олиши мумкин эмаслигини ойдинлаштириш мумкин.

Илм, саноат, ихтиро ва шу каби нарсаларга тааллуқли барча фикрларни, илм, саноат ва уларнинг ривожланишидан келиб чиққан барча маданий шаклларни, агар улар Исломга зид келмаса, олиш жоиздир. Агар Исломга зид келса, олиш ҳаром бўлади.

Чунки, илм, саноат ва ихтиrolарга тааллуқли барча фикрлар ва улардан келиб чиқаётган жамики маданий шаклларнинг ақидага ҳам, инсоннинг ҳаётдаги муаммоларини муолажа қиласидаган шаръий ҳукмларга ҳам алоқаси йўқдир. Балки улар, инсон ҳаётдаги ишларида ишлатадиган мубоҳ нарсалардир.

Бунинг далили, инсон борлиқда мавжуд бўлган барча нарсалардан фойдаланиши мубоҳлиги ҳақида келган, умумий оятлар ва қуидаги ҳадислардир. Имом Муслим ривоят қилганлар: Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) айтдилар: «Мен ҳам сизлар каби инсонман. Агар мен сизларни динингизнинг ишларидан бирор нарсага буюрсан, уни бажаринглар (олинглар). Агар дунё ишларидан бирор нарсага буюрсан, мен ҳам (сизлар каби) инсонман (яъни мен ҳам дунё ишларida хато қилишим мумкин)». Хурмонинг дараҳитини чанглатиш воқеасини зикр қилинган ҳадисда эса, Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Сизлар дунё ишларингизни яхшироқ биласизлар», - дедилар. Ҳамда Расууллоҳ, (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) бир неча саҳобани Яманинг Жураш шаҳрига қурол ясашни ўрганиш учун жўнатганлар.

Шунинг учун ақида ва аҳкомларга тааллуқли бўлмаган ҳар нарсани, агар у Исломга зид келмаса, ва ҳаромлигига хос далил келмаган бўлса, олиш жоиздир.

Шунга биноан, тиббиёт, ҳандаса, математика, астрономия, химия, физика, деҳқончилик, саноат, денгизчilik, жуғрофия ва алоқа воситаларига тааллуқли барча илмларни олиш жоиз. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва уни ривожлантириш, ишлаб чиқариш қуролларини ихтиро қилиш ва такомиллаштириш хусусида баҳс юритадиган иқтисод илмини ҳам олиш мумкиндири. Чунки у Ислом, капитализм ёки социализмга хос бўлмаган, оламшумул илмдир. Ушбу зикр қилинган илмлар, агар улар Исломга зид келмасагина уларни олиш жоиздир. Аммо, «инсоннинг асли - маймун», деган, Дарвин назариясини олиш жоиз эмас. Чунки у Оллоҳ таолонинг қуидаги сўзларига зиддир:

خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ صَلْصَالٍ كَالْفَخَارِ

- „У Зот (Оллоҳ) инсонни (яъни Одам алайҳиссаломни) сопол каби қуриган қора лойдан яратди". [55:14]

وَبَدَا حَلْقَ الْإِنْسَانَ مِنْ طِينٍ ثُمَّ جَعَلَ سَلْطَةً مِنْ سُلَالَةٍ مِنْ مَاءٍ مَهِينٍ

- „У инсонни (яъни Одамни) даставвал лойдан яратди. Сўнгра унинг насли-авлодини ҳақири бир томчи сувдан иборат бўлган нутфадан пайдо қилди". [32:7-8]

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ حَكَلَكُمْ مِنْ تُرَابٍ

- „Оллоҳнинг (кудрати - илоҳиясига далолат қиласидиган) оят аломатларидан (бiri) - У зот сизларни (яъни отангиз Одамни) тупроқдан яратди". [30:20]

Бу илмларни олиш жоиз бўлганидек, улардан келиб чиқадиган саноат маҳсулотлари, асбоб-ускуналар, буюм-жиҳозлар ва маданий шаклларни ҳам олиш жоиздир. Шунингдек, ҳаромлиги ҳақида нусус келган ҳайкалтарошлиқ, маст қилувчи ичимликлар ишлаб чиқариш, хоч (крест) ишлаб чиқариш ва шу каби баъзи-бир ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг маҳсулотларидан ташқари барча турдаги саноат корхоналарини ва уларнинг барча маҳсулотларини олиш жоиздир. Бу саноатлар ҳарбий саноатми ёки ноҳарбийми, оғир саноатми ёки енгил саноатми фарқсиздир. Танк, самолёт, ракета ва сунъий йўлдошлар, атом, водород, электрон ва кимёвий бомбалар, трактор, юк машинаси, вагон ва пароход каби оғир саноат маҳсулотлари бўладиган ёки кенг истеъмол моллари, енгил қуроласлаҳалар, лаборатория ва тиббиёт асбоблари, дехқончилик воситалари, ўй жиҳозлари, мебеллар, гиламлар ва бошқа истеъмол моллари сингари енгил саноат маҳсулотлари бўладими - буларнинг барчасини олиш жоиздир. Чунки, буларнинг барчаси мубоҳлигига умумий далиллар келган мубоҳ нарсалардандир. Уларни олиш шаръий ҳукм, яъни мубоҳ деб айтган шаръий ҳукмни олиш ва Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг шариатига эргашиш бўлади. Зоро, мубоҳ ҳам, вожиб, мандуб, ҳаром, макруҳ ва мубоҳдан иборат бўлган таклиф аҳкомларидан бири, яъни бир шаръий ҳукмдир.

4- Аммо ақида ва шаръий ҳукмларга тааллуқли, Ислом дунёқараси ва ҳаётдаги нуқтаи назарига тааллуқли фикрлар ва инсоннинг муаммоларини муолажа қилувчи аҳкомлар, буларнинг барчаси шариатга мувофиқ бўлиши вожибdir. Буларни фақат Ислом шариатидан, яъни ваҳӣ йўли билан келган Қуръон - Оллоҳнинг Китоби ва ҳадис - пайғамбар алайҳиссаломнинг суннати ҳамда Китоб ва Суннат йўллаган саҳобаларнинг ижмоъси ва қиёсдангина олиш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам булардан ўзга манбадан олиш мумкин эмас.

Бунинг далили қўйидагича:

а) - Оллоҳ Субҳонаҳу ва таоло бизга Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) келтирган барча нарсани олишимизни ва у зот қайтарган барча нарсадан қайтишимизни буюриб, айтди:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتُهُوا

- „Пайғамбар сизларга нимани олиб келган бўлса, уни олинглар ва нимадан қайтарган бўлса ундан қайтинглар”. [59:7]

Бу оятдаги ما - нима, сўзи умумийликни ифодалайдиган сўзлардан бўлиб, у Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайхи ва саллам) бизга олиб келган барча аҳкомларни олиш ва бизни қайтарган ҳар бир нарсадан узоқ бўлишини вожиб қиласди. «Мағҳумул-оят», яъни оятдан тушунилган маъно, биз Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайхи ва саллам) келтирмаган манбалардан ҳеч нарса олмаслигимиздир.

б) - Оллоҳ таоло мусулмонларни ўзига итоат қилишга ва пайғамбарига итоат қилишга буюрди. Айтди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ

- „Эй мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга итоат этингиз”. [4:59]

Оллоҳ таоло ва пайғамбарига итоат қилиш фақат Оллоҳ таоло пайғамбарига туширган шариат аҳкомларига амал қилиш ва уларни маҳкам ушлаш билан бўлади.

в) - Оллоҳ Субҳонаҳу ва таоло мусулмонларга Оллоҳ ва пайғамбари ҳукм қилган нарсага риоя қилишни ҳамда низоъ ва ихтилоф вақтида Оллоҳ ва пайғамбарининг ҳукмига қайтишни (мурожаат қилишни) амр қилиб, айтди:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ

- „Оллоҳ ва пайғамбари бир ишни ҳукм қилган - буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун ўз ишларидан ихтиёр қилиш жонз эмасдир”. [33:36]

Яна айтади:

فَإِنْ شَارَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرْدُوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ ثُوَّمُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

- „Бордю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, - agar ҳақиқатда Оллоҳга ва охират кунига ишонсангиз - у нарсани Оллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз”. [4:59]

г) - Оллоҳ Субҳонаҳу ва таоло ўзининг улуғ пайғамбарига инсонлар ўртасида Оллоҳ нозил қилган шариат билангина ҳукм қилишни ва ундан озгина ҳам четга чиқиб кетмасликни амр қилиб, айтди:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدِيهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهِمَّنَا عَلَيْهِ فَاحْكُمْ

بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَبْيَغْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذِرُهُمْ أَنْ يَفْتُنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

- „Сизга эса, (Эй Мұхаммад), ўзидан олдинги китоб(лар)ни тасдиқловчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик. Бас одамлар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва сизга келган Ҳақдан юз ўтириб, уларнинг ҳавоий-нафсларига эргашманг! Ва Оллоҳ сизга нозил қилган аҳкомларнинг айримларидан сизни буриб, фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!” [5:48-49]

д) - Оллоҳ Субҳонаҳу ва таоло мусулмонларга бирон нарсани Ислом шариатидан бошқа ўйлардан олишни ман қилиб, айтди:

فَلَا وَرَبَّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بِيْنَهُمْ

- „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинхор мўмин бўйлмайдилар”. [4:65]

Яна айтди:

فَلْيَحْذِرُ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

- „Пайғамбарнинг амрига хилоф иш қиладиган кимсалар, ўзларига бирон фитна (кулфат) етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан эҳтиёт бўйлсинлар”. [24:63]

Яна айтди:

يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَكَّمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمْرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ

- „Улар тогутга-шайтонга ҳукм сўраб боришни истайдилар. Ҳолбуки, уларга унга коғир бўлиш буюрилган эди”. [4:60]

Ва Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) айтдиларки: «Ким бизнинг бўйруғимиз бўлмаган (яъни динимиизда бўлмаган) бирон-бир ишни қилса, у иш мардуддир».

Бу нусуслар Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) келтирган барча нарсаларга чекланиш вожиблигини очиқ-оидин кўрсатиб туриди. Демак, биз фақат Оллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳалол ва Оллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳаром деймиз. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) олиб келмаган нарсани олмаймиз ва ҳаром қилмаган нарсани ҳаром қила олмаймиз.

Агар Оллоҳ таолонинг «وَمَا أَنْتَ كَمْ» - сизларга келтирган нарса» ва «- ما - нарса сўзини:

فَلْيَحْذِرُ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

- „Пайғамбарнинг амрига хилоф иш қиладиган кимсалар, ўзларига фитна (кулфат) етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан эҳтиёт бўйлсинлар!”. [24:63]

деган каломи билан солишитириса, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) олиб келган нарсаларнингина, яъни шариат аҳкомларинигина олиш вожиблиги ва Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) олиб келмаган нарсаларни олиш эса олувчини азобга гирифтор бўлишига олиб борадиган гуноҳ эканлиги аниқ билинади. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан ўзгани ўз ишларида ҳакам қилувчи кишиларнинг иймонсиз эканликларини баён қилиб деди:

فَلَا وَرَبَّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بِيْنَهُمْ

- „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинхор мўмин бўйлмайдилар”. [4:65]

Бу оят фақат Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайхи ва олихи ва саллам) келтирған шариатгина ҳакам қилиниши вожиблигига қатый далолат қилади. Шунингдек, Оллоҳ таоло ўз пайғамбарига одамларнинг Оллоҳ унга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан уни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлишни буюрганига ҳам далолат қилади. Оллоҳ таоло айтади:

وَاحْدَرُهُمْ أَنْ يَفْتُنُوكُمْ عَنْ بَعْضِ مَا أُنْزِلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ

– „Уларнинг Оллоҳ сизга нозил қилган аҳкомларнинг айримларидан сизни буриб, фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!“ [5:49]

Бундан ташқари, Қуръон Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайхи ва олихи ва саллам) келтирған шариатдан бошқа нарсаларга, яъни куфр аҳкомларига ҳукм сўраб боришни истовчиларнинг ҳалокатга учраши хабарини бериб, айтди:

أَلَّمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَرْعُمُونَ أَنَّهُمْ آمَنُوا بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكُمْ وَمَا أُنْزِلَ مِنْ قِبْلَكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَكَّمُوا إِلَيْ الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكُفُّرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضْلِلُهُمْ ضَلَالًاً بَعِيدًاً

– „Эй Мұхаммад, ўзларини сизга нозил қилингандар (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилингандар нарсаларга иймон келтирған деб ҳисоблайдиган айрим кимсаларнинг тогут (шайтон)га ҳукм сўраб боришни истаёттандарини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. Шайтон уларни бутунлай йўлдаи оздирини истайди“. [4:60]

Бу оят кўрсатиб турибдикি, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайхи ва олихи ва саллам)нинг шариатидан ўзга нарсаларга ҳукм сўраб бориш адашувдир. Чунки, у тогутга, яъни куфрага ҳукм сўраб бориш бўлиб, Оллоҳ таоло мусулмонларга унга ишонмасликни буюрган.

• Мана шулардан кўриниб турибдикি, гарб дунёқараши ва ундан келиб чиқсан низом ва қонунларни олиш жоиз бўлмайди. Чунки, улар Ислом дунёқарашига зид ва хилофдир. Идорий низом ва қонунлар бундан мустаснодир. Улар мубоҳ нарсалардан бўлганлиги учун ҳам. Уларни олиш жоиз. Худди Умар ибн Хаттоб (Разияллоҳу анҳу) Форс ва Румдан девонлар низомини олганлари каби.

Гарб дунёқараши динни ҳаётдан ажратиш ва динни давлатдан ажратиш ақидасига асосланади.

Ислом дунёқарашининг асоси эса, Ислом ақидаси бўлиб, у ҳаёт ва давлатни Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувлари, яъни шаръий аҳкомларга биноан бошқаришни вожиб қилади.

Гарб дунёқараши манфаатдорлик асосига қурилган ва уни барча амалларнинг миқёси қилиб олган. Гарб дунёқараши соғ манфаатдорлик дунёқараши бўлиб, моддий манфаат қийматидан бошқа қийматларга аҳамият бермайди. Шунинг учун унда руҳий, инсоний ва ахлоқий қийматлар топилмайди.

Ислом дунёқараши эса, руҳий асос, яъни Оллоҳга иймон келтириш асосига қурилган. Ислом дунёқараши «ҳалол ва ҳаром»ни ҳаётдаги барча

амалларнинг миёси қилиб белгилаган. У барча амаллар ва қийматларни Оллоҳнинг бўйруқ ва қайтарувлари асосида бошқариб туради.

Фарб дунёқарашида баҳт - инсонни жисмоний лаззатлардан имкон қадар кўпроқ баҳраманд этиш ва инсонга унинг барча қулайликларини таъминлашдир.

Ислом дунёқарашида эса, баҳт - Оллоҳ таолонинг розилигига эришишдир. Инсоннинг гаризалари ва жасадий талабларини қондириш шаръий ҳукмларга мувофиқ тартибга солинади.

Шуларга биноан, демократик ҳокимият низоми, капиталистик иқтисод низоми ва фарб давлатларида мавжуд бўлган умумий эркинликларни олиш жоиз эмас. Шунингдек демократик дастур ва қонунларни, (подшоҳлик) қироллик ёки жумхурият шакидаги ҳокимият тузумларини, рибо-судхўрликка асосланган банклар, биржалар ва жаҳон пул бозорларини олиш жоиз эмасдир. Чунки, булар куфр тузумлар ва қонунлари бўлиб, Ислом аҳкомлари ва низомларига зиддир.

- Фарб дунёқарашини, ундан келиб чиқсан фикр ва низомларни олиш жоиз бўлмаганидек, коммунистик дунёқараши ҳам олиш жоиз эмас. Чунки, коммунистик дунёқараши ҳам Ислом дунёқарашига тамоман қарама-қаршидир.

Коммунистик дунёқараши қўйидаги ақидага асосланган: «Бу борлиқнинг яратувчиси йўқ. Барча нарсаларнинг асли-модда. Борлиқдаги барча нарса моддий ривожланиш йўли билан моддадан вужудга келади».

Ислом дунёқараши асосланган ақида эса, қўйидагича: «Оллоҳ - бутун борлиқнинг яратувчиси. Борлиқдаги барча нарса - унинг маҳлуқи. У зот инсониятга пайғамбар ва элчилари орқали ўз динини жўнатган ва инсонларга ўзи улар учун нозил қилган бўйруқ ва қайтарувларга эргашишни буюрган».

Коммунистик дунёқараашда низом ишлаб чиқариш қуролларидан олинади. Чунончи, феодализм жамиятида ишлаб чиқариш қуроли болта бўлиб, ундан феодализм низоми олинади. Агар жамият ривожланиб, капитализмга ўтса, техник восита (станок) ишлаб чиқариш қуролига айланади. Ундан капитализм низоми олинади. Демак, бу дунёқарашининг низоми моддий ривожланишдан олинади.

Ислом дунёқарашига кўра эса, Оллоҳ Субҳонаҳу ва таоло инсонга ҳаёт низомини белгилаб, саййидимиз Мұҳаммад (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)ни шу низом билан расул-элчи қилиб юборган. Мұҳаммад (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) бу низомни инсониятга етказиб, унга мувофиқ ҳаёт кечиришни вожиб қилди.

Коммунистик дунёқараашда, моддий низом ҳаётдаги ўлчовдир. Унинг ривожланиши билан ўлчов ҳам ривожланиб бораверади.

Ислом дунёқарашида эса, ҳалол ва ҳаром, яъни Оллоҳнинг бўйруқ ва қайтарувлари ҳаётдаги амалларнинг мезонидир. Демак, ҳалол қилинади, ҳаром тарк этилади. Бу мезон ривожланмайди ҳам, ўзгармайди ҳам. Бу мезонда на манфаатдорлик, на моддийлик ҳакам бўла олади, балки фақат шариат ҳакамдир.

Демак, коммунистик дунёқараш ва исломий дунёқараш ўртасида бутунлай зиддият бордир.

Шунинг учун коммунистик дунёқараш ва унинг бирор фикр ёки низомини олиш жоиз бўлмайди.

Чунончи, моддий ривожланиш, шахсий мулкчиликни бекор қилиш, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш қуроллари ва ерга шахслар эгалик қилишини бекор қилиш фикрларини олиш жоиз эмас. Шунингдек, шахсларни илоҳийлаштириш, шахсларга сифиниш ва булардан бошқа ушбу худосизлик дунёқарашининг фикр ва низомларини олиш ҳам жоиз эмасдир. Буларнинг барчаси Ислом ақидаси ва фикрларига, унинг низом ва аҳкомларига бутунлай қарама-қарши бўлган куфр фикрлари ва куфр низомлариdir.

• Энди биз, демократия ўзининг ҳосил бўлиш манбай, келиб чиқиш ақидаси, қурилган асоси, олиб келган фикр ва низомларида Исломга тамоман зиддигини баён қилишга ўтсак.

Демократиянинг келиб чиқиш манбай - инсондир. Нарсалар ва ишларга чиройли ёки хунук деб ҳукм чиқарувчи ҳаками эса ақлдир. Аслида, Европа қироллари ва императорлари билан халқлари ўртасидаги шиддатли кураш жараёнида юзага чиққан файласуф ва мутафаккирлар унинг ижодкорлариdir. Демак, демократия инсон ўйлаб чиққан нарса бўлиб, ундаги ҳакам ҳам инсоннинг ақлиdir.

Ислом эса, умуман бунинг зиддидир. У Оллоҳ таоло ўз пайғамбари Мұхаммад ибн Абдуллоҳ (Саллаллоҳу алайхи ва олихи ва саллам)га туширган ваҳидир. Оллоҳ таоло айтади:

وَمَا يَنْطَقُ عَنِ الْهَوَى ﴿١﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَى ﴿٢﴾

– „Ba у (яъни Мұхаммад сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавоий-хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Оллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳй қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳидир”. [53:3,4]

Яна айтади:

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ﴿١﴾

– „Албатта, Биз у (Қуръон)ни қадр кечасида нозил қилдик”. [97:1]

Исломда аҳкомларни чиқаришда мурожаат қилинадиган ҳакам - Оллоҳ Субҳонаҳу ва таолодир, яъни ақл эмас, шариатdir. Ақлнинг иши Оллоҳ нозил қилган нусусларни тушунишга чеклангандир. Оллоҳ таоло айтади:

إِنْ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ﴿٢﴾

– „Ҳукм (чиқариш) фақат Оллоҳнидири”. [6:57]

Яна айтади:

فَإِنْ تَنَازَّ عَنْهُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُوهُ إِلَيَّ اللَّهِ وَالرَّسُولِ ﴿٣﴾

– „Бордю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Оллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!” [4:59]

Яна айтади:

وَمَا اخْتَلَفُتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ

— „Нима нарсада ихтилоф қылсаларингиз, уннинг ҳукми Оллоҳга қайтариулур”. [42:10]

• Демократиянинг келиб чиқиши ақидаси динни ҳаётдан ажратиш ва динни давлатдан ажратиш ақидасидир. Европада қирол ва императорлар насроний диндорларини ўзларига бўйсундириб, уларни дин номидан халқларни эзиш, зулм қилиш ва қонларини сўриш учун қирол қилиб олган эдилар. Бу диндорлар ҳам барча нарсалар дин номи билан ўзларига тобе бўлишини хоҳлашар эди. Файлласуф ва мутафаккирлар эса, динни ҳам, диндорлар ҳукмронлигини ҳам инкор қиласидилар. Булар билан диндорлар ўртасидаги «ўрта ечим - мурососозлик» асосида динни ҳаётдан ажратиш ва динни давлатдан ажратиш ақидаси вужудга келди ва демократиянинг асосий ақидасига айланди.

Бу ақида динни инкор қилмади. Балки унинг ҳаётдаги ва давлатдаги ўрнини бекор қилди. Шу билан биргага низомни белгилаш ҳуқуқини инсонга топшириди.

Бу ақида фарб ва унинг фикрларининг фикрий пойдеворидир. Фарбнинг низоми шу ақидадан келиб чиқди. Фарб ўз фикрий йўналиши ва ҳаётдаги нуқтаи назарини ҳам ушбу ақида асосида таъйин қилди. Демократия ҳам ушбу ақидадан келиб чиқди.

Аммо Ислом тамоман бунинг зиддидир. У исломий ақида асосига қурилган. Исломий ақида ҳаёт ва давлатнинг барча ишларини Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувлари, яъни шаръий аҳкомлар билан бошқаришни вожиб қиласиди. Инсон низомни ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эмас, балки у Оллоҳ белгилаб берган низомга мувофиқ ҳаёт кечириши лозим.

Шу ақида асосида Ислом дунёқарashi вужудга келди ва унинг ҳаётий нуқтаи назари белгиланди.

- Демократия қурилган асос икки фикратdir:
  - 1) - Сиёdat (хўжайнлик) - халқники.
  - 2) - Халқ - ҳокимият манбай.

Яъни, халқнинг иродасига эгалик қилувчи ва уни бошқарувчи подшо ва императорлар эмас, халқнинг ўзидир. Бу иродани амалда ижро этувчи ҳам халқdir. Халқ сиёdat соҳиби, ўз иродасининг эгаси ва бошқарувчиси бўлиш билан қонунчиликни ўз қўлига олди. Бу унинг иродасини ўзи бошқаришини, шунингдек умумхалқ иродасини ифодалайди. Халқ депутатлар орқали қонун чиқариш билан шуғулланади. У депутатларни ўзидан ноиб бўлиб қонун чиқаришлари учун ўзи сайлайди.

Халқ ўз манфаатига қараб, ҳар қандай дастур, низом ва қонунни ишлаб чиқади ва ҳар қандай дастур, низом ва қонунни бекор қиласиди. Халқ ҳокимиятни қиролликдан республикачилик тузумига айлантириш ёки аксини қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек республикачилик тузумини президентлик бошқарувидан парламент бошқарувига алмаштириши ёки аксини қилиши ҳам мумкин. Франция, Италия, Испания ва Грецияда содир бўлган ҳокимият тузумининг қиролликдан республикачиликка, республикачиликдан қиролликка айланishi бунга мисол бўлади.

Шунингдек халқ иқтисод низомини капиталистик шаклдан социалистик шаклга ўзgartириши ёки аксини қилиши мумкин. Қонун соҳасида, у ўз депутатлари воситачилигида бир диндан бошқа динга ўтиш ёки динсиз бўлиш жоизлиги ҳақида қонунлар чиқарди. Зинокорлик ва баччавозликка, шу йўллар билан касб қилишга қонунан ижозат берди.

Халқ ҳокимият манбаи бўлгач, хоҳлаган ҳокимини сайлайди. Бу ҳоким халқа ўзи чиқарган қонунларни татбиқ қиласи ва уни шу қонунлар билан бошқаради. Ҳокимни вазифасидан бўшатиш ёки бошқа ҳоким билан алмаштириш ҳам халқнинг ҳуқуқи бўлади. У ҳокимият эгаси, ҳоким эса, ўз ҳокимлигини ундан олган.

Исломда эса сиёdat умматники эмас, шариатники. Ёлғиз Оллоҳ қонун чиқарувчидир. Умматнинг барчаси бирлашса ҳам, бирорта ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Агар барча мусулмонлар йиғилиб, иқтисодни тиклаш учун рибо-судхўрликка, жамиятда фоҳишабозлик тарқалиб кетмаслиги учун маҳсус фоҳишахоналарга рухсат беришга ёки ишлаб чиқариш ривожини ошириш учун шахсий мулкчиликни ё рўзанинг фарзлигини бекор қилишга келишсалар, бунинг заррача қиймати йўқдир. Шунингдек, улар мусулмонга хоҳлаган ақидасига эътиқод қилиш эркинлигини, молини ўстиришнинг барча воситалари, гарчи ҳаром йўллар билан бўлса ҳам ўстира бериш эркинлигини берадиган, ҳаётида ароқ ичибми, зино қилибми, хоҳлагандай яшashi ва фойдаланиши учун шахс эркинлигига рухсат берадиган умумий эркинликларни жорий қилишга келишсалар, бундай келишувлар Ислом назарида пашшанинг қанотичалик эътиборга эга эмас. Агар бир тўп мусулмонлар шу ишларни қилишга уринсалар, уларга қарши, то қайтгунларича уришиш вожиб бўлади. Мусулмонлар барча ишларида Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларига чеклангандирлар. Улар Ислом аҳомларига зид бирор ишни қилишлари дуруст эмас. Шунингдек, улар бирорта ҳукмни ҳам чиқаришлари мумкин эмас. Фақат ёлғиз Оллоҳина қонун чиқарувчидир. Аллоҳ таоло айтади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَحَرَ بِنَهْمٍ

– „Йўқ Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўмин бўймайдилар”. [4:65]

Яна айтади:

إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ

– „Хукм (чиқариш) фақат Оллоҳницидир”. [6:57]

Яна айтади:

أَلَمْ تَرَ إِلَيَّ الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ آمُنُوا بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَنْهَا كَمُوا إِلَيِّ الظَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ

– „Эй Мұхаммад, ўзларини сизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган айрим кимсаларнинг тогутга ҳукм сўраб боришни

истаётгандарини күрмадингизми?<sup>2</sup> Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. Шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришини истайди". [4:60]

Тоғутга ҳукм сўраб бориш, Оллоҳ нозил қилган шариатдан ўзга нарсаларга, яъни инсонлар чиқарган куфр ҳукмларига ҳукм сўраб боришидир. Оллоҳ таоло айтади:

اَفْحُكْمَ الْجَاهِلَيَّةِ يَيْعُونَ وَمَنْ اَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِقَوْمٍ يُوقَنُونَ

– „Улар жоҳилият (динсизлик) ҳукмини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?” [5:50]

Жоҳилията ҳукми - Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Оллоҳ ҳузуридан келтиргмаган, яъни инсонлар ўzlари тузган куфр ҳукмидир. Оллоҳ айтади:

فَلَيَحْذِرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبُهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبُهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

– „Пайғамбарнинг амрига хилоф иш қиласидиган кимсалар, ўзларига бирон фитна (кулфат) етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан эҳтиёт бўлсинлар”. [24:63]

Оллоҳ Пайғамбари (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг амрига хилоф иш қилишдан эҳтиёт бўлишга огоҳлантирган иш, инсонлар чиқараётган қонунларга эргашиш ва Пайғамбар (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) олиб келган шариатни тарк этишидир. Пайғамбар (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) айтадилар: «Кимки бизнинг буйруғимиздан бўлмаган ишни қилса, у мардуддир». Ҳадисдаги буйруғимиз калимасидан мурод Исломдир.

Бундан ташқари сиёdat шариатники, ёлғиз Оллоҳина қонун чиқарувчи, инсонлар қонун ишлаб чиқишилари жоиз эмас. Улар бу дунёдаги барча ишларини Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларига мувофиқ амалга оширишлари вожиблигини баён қилиб берувчи ўнлаб қатъий оятлар ва ҳадислар бордир.

Ислом Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларини ижро этиш вазифасини мусулмонлар зиммасига юклиди. Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларини ижро этиш эса, уни амалда ижро қилувчи ҳокимииятга муҳтождир. Шунинг учун Ислом умматга салтанат, яъни Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларини умматга татбиқ қиласидиган ҳокимни ихтиёр қилиш ҳуқуқини берди. Бу эса халифани тиклаш ҳуқуқи мусулмонларники эканлиги ва улар буни Оллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг суннати асосида байъат бериб, рӯёбга чиқаришларини баён қилган ҳадислардан олингандир. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) айтадилар: «Кимки бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, динсизларча ўлибди». Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилади: Мен Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан эшитдим: «Ким имом (халифа)га байъат қилса, унга қўлини ва қалбини бериб аҳд қилса, иложи борича унга итоат қилсин. Агар бошқаси имомлик талашиб келадиган бўлса уни ўлдиринглар», - дедилар.

Убода ибн Сомит (Разияллоху анху) ривоят қиласы: «Биз Расулуллох (Саллаллоху алайхи ва олихи ва саллам)га хуш ёқмай турган ҳолатимизда ҳам, қизықиб турган ҳолатимизда ҳам қулоқ солиб итоат қилишга байъат бердик». Уммат ҳокимни Оллохнинг Китоби ва расулининг суннати асосида байъат бериш йўли билан тикилашини баён қилган яна булардан бошқа кўп ҳадислар бор. Шариат салтанатни умматга берди. Уммат байъат йўли билан ўзини бошқарадиган ҳокимни бу ишга ўзидан ноиб қилиб қўяди. Лекин шариат, демократия низомидагидек, ҳокимни вазифасидан четлатиш ҳуқуқини умматга бермади. Бунга далил: бир қанча саҳиҳ ҳадислар келганки, улар халифа модомики, маъсият-гуноҳ ишга буюрмас экан, гарчи зулм қилса ҳам унга итоат қилишни вожиб қиласи. Ибн Аббос (Разияллоху анху) ривоят қиласидар: Расулуллох (Саллаллоху алайхи ва олихи ва саллам): «Ким амиридан ёқтирамайдиган нарсани кўрса, сабр қилсин. Чунки ким жамоатдан бир қарич ажралса-ю, кейин ўлса, унинг ўлими динсизларча ўлимдир», - дедилар. Авф ибн Молик (Разияллоху анху) айтадилар: Мен Расулуллох (Саллаллоху алайхи ва олихи ва саллам)нинг шундай деяётгандарини эшидим: «... имомларингизнинг ёмонлари, сизлар уларни, улар сизларни ёмон кўрадиган ва сизлар уларга, улар сизларга лаънат айтадигандаридир. Биз: ё Расулаллох, бундай ҳолатда уларга қарши уруш қилмаймизми? - дедик. Ул зот: йўқ, модомики, ораларингизда намозни барпо қилар эканлар (уларга қарши чиқмайсиз). Огоҳ бўлинглар, ким ўз волийси (бошлиғи)нинг бирор маъсият-гуноҳ ишни қилаётганини кўрса, қилаётган маъсиятини ёмон кўрсин, бироқ итоатдан бош тортмасин», - дедилар. Бу ҳадисдаги намозни барпо қилиш Ислом билан ҳукм юритиш маъносини англатади. Бу, бир жузъни-бўлакни зикр қилиб, бутун нарсани ирода қилиш қабилидандир.

Ҳокимга қарши чиқиш ундан очиқ куфр содир бўлгандагина жоиз бўлади. Убода ибн Сомитнинг байъат ҳақидаги ҳадисида бу ҳақда шундай дейилади: «... Биз Расулуллох (Саллаллоху алайхи ва олихи ва саллам)га байъат бердик. Ул зот биздан қизықиб турганимизда ҳам, ёқтирамай турганимизда ҳам, қийинчилигимизда ҳам, кенгчилигимизда ҳам қулоқ солиб, итоат қилишга, ўзгаларни афзал кўришга бошлиқликни эгаси билан талаашасликка байъат олдилар. Ва айтдиларки: фақат унда очиқ куфрни кўрсаларинг бу ҳақда сизларнинг Оллоҳ томонидан қатъий далил-хужжатларинг бўлса, (талашишингиз мумкин)».

Халифани мансабидан четлатиш ҳуқуқига фақат «маҳкаматул-мазолим» (зулм-адолатсизликка тегишли ишларни кўрадиган маҳкама)гина эгадир. Чунки халифани мансабидан четлатишга сабаб бўладиган ва лозим қилиб қўядиган ишлардан бирортасининг содир бўлиши бартараф қилиш лозим бўлган адолатсизликлардан. Шунингдек, бу адолатсизлик исботга муҳтож бўлиб, уни қозининг олдида исботлаш шарт. Маҳкаматул-мазолим Ислом давлатидаги барча мазлама (адолатсизликлар)ни бартараф қилиш билан шуғуллангани ва унинг қозиси мазлама (адолатсизлик)ни исботлаш ва унга ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлиги учун маҳкаматул-мазолим юқоридаги ҳолатлардан биронтаси содир бўлган ёки бўлмаганини аниқлайди ва халифани мансабидан четлатиш масаласини ҳам у ҳал қиласи.

- Демократия кўпчиликнинг бошқаруви ва кўпчилик томонидан қонун ишлаб чиқиш, деб эътибор қилинади. Ҳокимлар, парламент аъзолари, олий бошқарув органлари, ҳукумат ва ҳайъат аъзолари кўпчилик томонидан сайданади. Шунингдек, парламентларда қонун ишлаб чиқиш, барча кенгашлар, ҳокимият органлари ва ҳайъатларда қарорлар қабул қилиш кўпчилик фикри билан ҳал қилинади.

Шуниг учун демократия низомида кўпчилик барчага - ҳокимга ҳам, маҳкумга ҳам - ўз ҳукмини ўтказади. Чунки, кўпчиликнинг фикри халқнинг иродасини ифодалайди. Озчилик эса кўпчилик фикрига бўйсуниши ва итоат қилиши лозим.

Исломда эса, иш мутлақо ўзгачадир.

Қонунчиликка оид ишлар кўпчиликнинг ҳам, озчиликнинг ҳам фикрига боғлиқ эмас. У фақат шаръий нусусларга асосланади. Зоро, қонун чиқарувчи ёлғиз Оллоҳдир, уммат эмас. Жамиятнинг ишларини бошқариш ва ҳокимиятни идора қилиш учун лозим бўлган аҳкомларни табаний (қабул ва таъян) қилиш салоҳиятига эга шахс фақат халифадир. У аҳкомларни тўғри ижтиҳод билан энг кучли далилга асосланиб, Оллоҳнинг Китоби ва пайғамбарининг суннатида келган шаръий нусуслардан олади. Халифа қонунийлаштиришни хоҳлаётган аҳкомлар тўғрисида «уммат мажлиси»га фикр олиш учун мурожаат қилиши вожиб эмас. Лекин жоиздир. Дарҳақиқат, хулафои рошидинлар бирор ҳукмни табаний қилмоқчи бўлсалар, саҳобаларга фикр олиш учун мурожаат қиласр эдилар. Умар ибн Хаттоб (Разияллоҳу анху) Шом, Миср ва Ироқ ўлкаларида фатҳ қилинган ерлар тўғрисида ҳукм табаний қилмоқчи бўлганларида, мусулмонлардан маслаҳат сўраганлар.

Агар халифа табаний қилаётган аҳкомлари тўғрисида уммат мажлисига фикр олиш учун мурожаат қилса, мажлиснинг фикрини олиш, гарчи барчанини ёки кўпчиликники бўлса ҳам, халифага мажбурий бўлмайди. Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Ҳудайбия сұлҳида, сұлҳ битимиға эътиroz билдирган мусулмонларнинг фикрини, гарчи улар кўпчилик бўлса ҳам қабул қилмадилар. Уларнинг фикрини рад этиб, битимиғи тузишда давом этдилар. Уларга эса: «Мен Оллоҳнинг бандаси ва элчисиман. Ул зотнинг амрига зинҳор хилоф иш қилмайман», - дедилар. Улуғ саҳобалар шундай ижмоъ қилганлар (келишганлар)ки, Имом (Халифа) муайян аҳкомларни табаний этиш ва унга амал қилмоққа буюриш ҳуқуқига эга. Мусулмонлар эса раъй-фикрларини тарқ этиб, шу аҳкомларга итоат қилишлари вожибdir. Бундан қўйидаги машҳур қоидалар истинбот қилинган: «Имом (Халифа)нинг амри ихтилоғни кўтаради». «Имомнинг амри зоҳирда ҳам, ботинда ҳам нуфузлидир». «Султон рўй берётган муаммолар миқдорича ҳукмлар чиқариши мумкин». Бундан ташқари Оллоҳ Субҳонаҳу ва таоло ҳокимларга бўйсунишни буюриб, шундай дейди:

أَطِيعُ اللَّهَ وَأَطِيعُو الرَّسُولَ وَأُولَئِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

– „Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!“ [4:59]

Қонунчилликка ўхшаб билим, фикр юритиш ва чуқур изланишга муҳтож бўладиган илм-фанга ва фикрга оид ишларда озчилик ҳам, кўпчилик ҳам эмас, балки тўғрилик эътибор қилинади. Ва бу ишларнинг воқеалиги - моҳиятини идрок қила оладиган шу соҳа мутахассисларига мурожаат қилинади. Чунончи, ҳарбий ишларда, шу соҳа билимдонлари бўлган ҳарбийларга, фиқҳий масалаларда мұжтахид, фақиҳларга, тибиётда моҳир табибларга, ҳандаса ишларида малакали мұхандисларга, фикрий ишларда йирик мутафаккирларга мурожаат қилинади ва ҳоказо...

Демак, бу ишларда кўпчилик эмас, тўғрилик эътиборлидир. Тўғрилик эса, ўз ўрнидан, яъни кўпчиликтан эмас, шу соҳа мутахассисларидан олинади.

Парламент аъзолари эса, мусулмонларнинг юртларидағиси ҳам, гарбдагиси ҳам бу ишлар бўйича мутахассис, билим ва маълумотга эга эмаслар. Шунинг учун бу ишларда парламент аъзоларининг кўпчилиги берган фикрнинг фойдаси ҳам, қиймати ҳам йўқ. Уларнинг розилиги ёки қаршилиги билим, идрок ва маърифат асосида эмас, балки шаклий, юзаки бўлади. Шунинг учун, бундай ишларда кўпчиликтининг фикри мажбурий деб эътибор қилинмайди. Бунга далил: Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Бадр жангига Ҳаббоб ибн Мунзирнинг фикрига рози бўлганларидир. Ҳаббоб жой (стратегик ўрин)ларни яхши билар эди. У Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га, агар ваҳй орқали бўлмаган бўлса, тушган жойларини ўзгартириши, бу жой уруш учун қулай эмаслигини маслаҳат берди. Шунда Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) унинг фикрига рози бўлдилар ва у белгилаб берган жойга тушдилар. Бу борада саҳобалардан маслаҳат сўрамадилар.

Аммо, чуқур фикрга, илм ва изланишга муҳтож бўлмасдан амалга ошириш мумкин бўлган ишларда эса, кўпчиликтининг раъи-фикри олинади. Чунки, бундай ишларни кўпчилик идрок қила олади ва кўрилаётган манфаатга қараб, бу ҳақда ўз фикрларини осонлик билан билдиришлари мумкин. Бунинг мисоллари: Фалончини сайлаймизми ёки йўқми? Йўлга эрталаб чиқамизми ёки кечкурунми? Самолётга минамизми, пароходгами ёки поездга? ва ҳоказо. Бу каби ишларни ҳар бир инсон идрок қиласи ва шу ҳақда ўз фикрини билдира олади. Шунинг учун бу борада кўпчиликтининг фикри эътиборли бўлиб, уни олинади ва у мажбурий бўлади. Бунга далил Уҳуд жангига чиқиши воқеасидир. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ва кекса саҳобаларнинг фикри Мадинадан чиқмаслик эди. Кўпчилик, хусусан, ёшлар эса, Қурайшни шаҳардан ташқарида қарши олиш учун Мадинадан чиқиши фикрида эдилар. Фикр Мадинадан чиқиши-чиқмаслик тўғрисида борарди.

Кўпчилик чиқишини талаб қилгач, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) уларнинг фикрини қабул қилиб, кекса саҳобаларнинг фикрини тарқ этдилар. Қурайшни қарши олиш учун Уҳудга чиқдилар.

• Умумий эркинликлар фикрати демократик фикрларнинг энг қўзга кўринарлиси ва демократиянинг асосларидан биридир. Ҳар бир шахс шу эркинликлар билан ўз иродасига ўзи эга бўлиш ва уни ҳеч қандай тазиёқ ёки зўравонликсиз ўзи хоҳлаганидек бошқариш имкониятига эга бўлади.

Жамиятнинг ҳар бир шахси учун умумий эркинликлар тўла таъминлансанагина, ҳалқ ўзининг умумий иродасини ифодалай олади.

Шахснинг эркинликлари демократия низомида муқаддасdir. Унга давлат ҳам, бошқа шахслар ҳам тажовуз қилиши мумкин эмас. Капиталистик демократия низоми шахс низоми деб эътибор қилинади. Бу низомда умумий эркинликларни ҳимоя қилиш ва муҳофаза этиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Демократиядаги умумий эркинликлар мустамлака қилинган ҳалқларнинг, уларни мустамлака қилиб, бойликларини тортиб олаётган ва талон-тарож қилаётган давлатларнинг чангалидан озод бўлиши дегани эмас. Чунки, мустамлакачилик фикрати демократиядаги мулк эркинлигининг натижаларидан биридир.

Шунингдек, бу эркинликлар, қулликдан озод ва ҳалос бўлиш маъносини ҳам билдирамайди. Зеро, бугунги кунда бизнинг дунёмизда қуллик йўқдир.

Умумий эркинликлар қўйидаги тўрт эркинликни ифодалайди холос. Улар:

- 1 - Эътиқод эркинлиги
- 2 - Фикр эркинлиги
- 3 - Мулк эркинлиги
- 4 - Шахс эркинлиги

Бу умумий эркинликларнинг бирор тури ҳам Исломда мавжуд эмас. Мусулмон бирор ишда эркин бўлмай, барча ишларида шаръий ҳукмлар билан чеклангандир. Исломда қулни озод қилишдан бошқа бирор эркинлик йўқ. Қуллик эса, аллақачон тугагандир.

Бу тўрт эркинлик ҳам Исломга ва унинг аҳкомларига тамоман зиддир. Бунинг баёни қўйидагича:

- Эътиқод эркинлигининг маъноси шуки, инсон ҳеч қандай тазиқ ёки зўравонликсиз хоҳлаган ақидасига эътиқод қилиш ва ёқтирган динини қабул қилишга ҳақлидир. Шунингдек, ўзининг ақидаси ва динини ташлаб, янги ақида ва янги динга ўтиши ёки динсиз бўлиши мумкин. Яъни, инсон шу ишларни ҳеч қандай тазиқ ёки зўравонликсиз, тўла эркинлик билан қилиш ҳуқуқига эгадир. Масалан, мусулмон тўла эркинлик билан насронийлик ё яҳудийлик ё бутпарастлик ё коммунистликка ўтиб кетиши мумкин. Давлат ҳам, бошқаси ҳам уни бу ишдан ман қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Аслида эса, Ислом мусулмонга Ислом ақидасини ташлаб, яҳудий ё насроний ё бутпараст ё коммунист ё капиталист бўлишини, яъни муртад бўлишни ҳаром қилди. Ким муртад бўлиб, Исломдан чиқса, ундан тавба талаб қилинади. Агар тавба қилиб, қайтса, қабул қилинади. Акс ҳолда, ўлдирилади ва мол-мулки мусодара қилиниб, никоҳи ажратилади. Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Ким динини ўзгартираса, уни ўлдиринглар», - деганлар.

Агар муртадлар бир жамоат бўлса ва муртадликда қаттиқ туриб олсалар, улар билан то динга қайтунларича ёки қирилиб тугагунларича урушилади. Бунга Расууллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг вафотларидан сўнг юз берган муртадлар ҳодисаси мисол бўлади. Абу Бакр

Сиддиқ (Разияллоҳу анху) улар билан то тирик қолганлари Исломга қайтгучица аёвсиз уруш қилдилар.

• Фикр эркинлигининг маъноси шуки, ҳар бир инсон ҳар қандай раъй ва фикрга эга бўлиши, уни айтиши ва унга даъват қилиши мумкин. Бу раъй ва фикр қандай бўлмасин, бу ҳақда инсон эркин, унинг учун ҳеч қандай чегара, чеклов йўқ, шунингдек, мазкур фикрни рухсат берилган ҳар қандай услугуб билан ифодалashi мумкин. Модомики, у бошқаларнинг эркинлигига тажовуз қилмас экан, давлатнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам уни бу ишдан ман қилишга умуман ҳаққи йўқ. Чунки, инсоннинг бирор фикрга эга бўлиши ёки шу фикрни ифодалashi, айтиши ёки шунга даъват қилишини қайси йўл билан бўлсада, ман қилиш эркинликка тажовуз деб эътибор қилинади.

Исломда эса, мусулмон барча иш ва сўзларида шаръий нусуслар келтирган аҳкомларга чеклангандир. У фақат шаръий далиллар ижозат берган ишни қилиши ёки сўзни гапириши мумкин. Шунга кўра, мусулмон шаръий далиллар ижозат берган ҳар қандай фикрга эга бўлиши, уни айтиши ва унга даъват қилиши жоиз. Агар шаръий далиллар ман қилса, мусулмон учун бундай фикрга эга бўлиши, уни айтиши ва унга даъват қилиши асло жоиз эмас. Агар, бу ишларни қилса, жазоланади. Демак, мусулмон фикрга эга бўлишда ҳам, уни айтишда ҳам, унга даъват қилишда ҳам эркин эмас, балки шаръий аҳкомлар билан чеклангандир.

Ислом ҳақ сўзни ҳамма вақтда ва ҳамма жойда айтишни вожиб қилди. Убода ибн Сомитнинг байъат ҳақидаги ҳадисида шундай дейилади: «Биз Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га ... қаерда бўлсак ҳам маломатчининг маломатидан қўрқмасдан, ҳақ сўзни айтишга байъат бердик».

Шунингдек, Ислом мусулмонларга ҳокимларнинг олдида фикрни ошкоро айтишни ва уларнинг ишларини муҳосаба қилиб (тергаб) туришни вожиб қилди. Умму Атийя (Разияллоҳу анҳо) Абу Саид (Разияллоҳу анху)дан ривоят қиласидар. Абу Саид айтади: Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Жиҳоднинг энг афзали золим сultonнинг олдида айтилган ҳақ сўздир», - дедилар. Абу Умома ривоят қиласиди: Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Ақаба байъатида, «Эй Расулуллоҳ, қайси жиҳод афзал?», - деб сўраган кишига, «Золим сultonнинг ҳузурида айтиладиган ҳақ сўздир», - деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) айтганларки: «Шаҳидларнинг улуғи Ҳамза ва золим имом ҳузурида туриб, унга насиҳат қилган ва имом уни қатл қилган кишидир».

Бироқ, булар фикр эркинлиги эмас, балки шаръий аҳкомлар билан чекланишдир. Шаръий аҳкомларга кўра фикр айтиш баъзи ҳолатларда мубоҳ, айрим ҳолатларда эса вожибdir.

• Мулк эркинлиги эса, иқтисодда капитализм низомини ҳамда халқларни мустамлака қилиш, бойликларни талон-тарож этиш ва ўзлаштириш фикратини вужудга келтирган эркинликдир. Бу эркинлик инсон аввало мулкка эга бўлиши, кейин эса, уни ҳар қандай услугуб ва воситалар билан ўстириши, кўпайтириши мумкин, деган маънони англатади. Яъни инсон мулкка эга бўлиш ва мулкини ўстириш учун, мустамлакачилик

қилиш, мустамлака қилинган халқларнинг бойликларини талон-тарож қилиш ва ўғирлаш, иҳтикор (монополия), судхўрлик, савдо молини айбини яшириш, фирибгарлик, алдамчилик, баҳосини ўта арzonлатиб ёки қимматлатиб юбориш, қиморбозлик, фоҳишабозлик, баччавозлик ва аёлнинг аёллигидан фойдаланиш, спиртли (маст қилувчи) нчимликлар саноати ва савдосини юргизиш, порахўрлик ва булардан бошқа услубларни қўллаши жоиз.

Исломнинг мулкчилик ҳақидаги аҳкомлари бу эркинликка зиддир. Ислом халқларни мустамлака қилиш, уларнинг бойликларини талон-тарож қилиш ва ўзлаштириб олиш фикратига қарши курашади. Шунингдек, рибо-судхўрликнинг барча турларини кўп фоизлигини ҳам, оз фоизлигини ҳам ман қиласди. Ислом мулкка эга бўлиш ва уни ўстириш сабабларини, уни тасарруф қилиш йўлларини аниқ белгилаб берди ва булардан бошқаларини ҳаром қилди. Мусулмонга мулкка эга бўлиш, уни ўстириш ва тасарруф қилишда ушбу сабаб ва йўлларга чекланишини вожиб қилди. Яъни, уни бу соҳада хоҳлагандай тасарруф қиласиган, эркин ташлаб қўймади. Балки уни шаръий аҳкомлар билан чеклаб қўйди. Унга қароқчилик, талончилик, ўғирлик ва порахўрлик билан, судхўрлик, қиморбозлик, фоҳишабозлик, баччавозлик билан бойлик ортириш ва ўстиришни ҳаром қилди. Шунингдек, савдо молини айбини яшириш, фирибгарлик, алдамчилик, баҳосини ўта арzonлатиб ёки қимматлатиб юбориш билан, mast қилувчи ичимликлар саноати ва савдоси билан, аёлнинг аёллигидан фойдаланиш ва бошқа ман қилинган сабаблар билан мулкка эга бўлиш ва уни ўстиришни ҳаром қилди.

Буларнинг барчаси мулкка эга бўлиш ва уни ўстиришнинг ман қилинган сабабларидир. Булар воситасида эгалланган ҳар қандай мол мусулмон учун ҳаром бўлади ва бу билан шугулланган киши жазоланади.

Мана шулардан кўриниб турибдики, Исломда мулк эркинлиги йўқ. Балки, мусулмон мулкка эга бўлиш ва уни тасарруф қилишда шариатнинг аҳкомларига чеклангандир. Улардан четга чиқиши жоиз эмасdir.

• Шахс эркинлиги эса, у барча чекловлардан қутулиш ва руҳий, ахлоқий, инсоний қийматлардан бўшалиш эркинлиги, оилани парчалаш, унинг вужудини ва бирлигини йўқ қилиш эркинлигидир. Бу эркинлик номи билан инсонни ҳалокатга олиб борувчи барча амаллар қилинади, ҳаромлар ҳалолга айлантирилади. Шу эркинлик фарб жамиятларини инсон учун ўта шармандали бўлган ҳайвоний жамиятларга айлантириди. Ва жамият аҳолисини эса ҳайвонлар даражасидан ҳам паст, тубан даражага тушириб қўйди.

Бу эркинлик қарор қилдики: инсон ўзининг шахсий ҳаёти ва турмуши тарзини ўзига ёқсан шаклда тўла эркинлик билан тасарруф қилишга ҳақлидир. Давлат ҳам, бошқаси ҳам унинг қилмоқчи бўлган тасарруфи ёки турмуш тарзига тўсқинлик қилишга ҳаққи йўқ. У инсонга фоҳишабозлик, баччавозлик, лесбиянкалик, ароқхўрлик, яланғочлик ва бошқа ҳар қандай тубан ва ярамас ишларни ҳам ҳеч қандай қайд ёки чекловсиз, тазийқ ёки мажбур қилинмасдан, тўла эркинлик билан қилишга рухсат берди.

Ислом аҳкомлари шахс эркинлигига тамоман зиддир. Исломда шахс эркинлиги йўқ. Мусулмон барча ишлари ва тасарруфларида Оллоҳнинг бўйруқ ва қайтарувлари билан чекланган бўлиб, Оллоҳ ҳаром қилган ишни қилиши ҳаромdir. Агар бирор ҳаром ишни қилишга киришса гуноҳкор бўлади ва қаттиқ жазоланади.

Ислом фоҳишабозлик, баччавозлик, лесбиянкалик, ароқхўрлик, яланғочлик ва булардан бошқа инсонни ҳалокатга олиб борувчи ишларни ҳаром қилди. Уларнинг ҳар бирига қаттиқ жазо белгилади.

Ислом чиройли ахлоқ, мақтовга лойиқ сифатларга эга бўлишни буюрди. Ислом исломий жамиятни поклик ва ифрат жамияти, юксак қийматлар жамиятига айлантириди.

Юқоридагилардан аниқ ва равshan бўляяптики, гарбнинг дунёқараси, қийматлари, нуқтаи назари, демократияси ва умумий эркинликлари, буларнинг барчаси Исломга ва унинг аҳкомларига тамоман зид ва қарама-қаршидир. Улар куфр фикрлари, куфр дунёқараси, куфр низомлари ва қонунларидир. Демократия Исломдандир, у айнан шўро-маслаҳат, у амри маъруф ва наҳӣ мункар, у ҳокимларни муҳосаба қилиш, дейилиши нодонлик ёки адаштирувдир.

Шўро-маслаҳат, амри маъруф, наҳӣ мункар ва ҳокимларни муҳосаба қилиш шаръий аҳкомларидир. Уларни Оллоҳ таоло белгилаган ва мусулмонларга уларни шаръий ҳукм деган эътибор билан олиш ва улар билан чекланишга буюрган.

Аммо демократия эса, на шаръий ҳукм, на Оллоҳ тузиб берган қонунчилиқдир. Балки у инсонлар ўйлаб топган нарса ва улар тузган қонунчилиқдир.

У шўро - маслаҳат эмасдир. Шўро - фикр беришдир. Демократия эса, ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар ва инсонлар ақллари билан ўйлаб топган, самовий ваҳйга эмас, балки ақллари кўрсатган манфаатларга биноан чиқараётган дастур, низом ва қонунлар учун қонунчилиқдир.

Шунинг учун мусулмонларга уни қабул қилиш, ё унга даъват қилиш, унинг асосида партиялар тузиш ва ҳаётдаги нуқтаи назар қилиб олиш ҳаромdir. Шунингдек, уни ҳаётга татбиқ этиш, дастур ва қонунларга асос ёки манбаъ қилиш, таълим ёки таълимнинг гояси учун асос қилиб олиш ҳаромdir.

Мусулмонлар уни бутунлай улоқтириб ташлашлари вожиб. Чунки у нажас, у тогут-шайтоннинг ҳукми, у куфр, куфр фикрлари, куфр низомлари ва куфр қонунларидир. Унинг Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқдир.

Шунингдек, мусулмонлар Исломни ҳаёт, давлат ва жамиятда комил тарзда татбиқ этмоқлари вожибdir.

وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعُ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلَّهُ مَا تَوَلََّ  
وَنُصْلِهِ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا

– „Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларидан бошқа йўлга эргашиб кетса, Биз уни

*кеттанича қүйиб берамиз. Сүнгра жаҳаннамга дохил қиласмиз. Нақадар ёмон жойдир у!"* [4:115]

Оллоҳнинг ёрдами ва фазли билан 1410 ҳижрий йил, зулқаъда ойининг учинчиси, якшанба куни, 1990 милодий йил, йигирма еттинчи май куни хотималанди.

---

